



ТЕРГОВ АМАЛИЁТИ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ҳайъат раиси - бош мухаррир
Я. Абдулхаков (PhD)

Ҳайъат раисининг ўринбосари -
масъул мухаррир

Б. Жалолов

Муассис вакили

О. Қулбеков

Масъул котиб

Р. Базаров

Ҳайъат аъзолари:

Б. Валиев

М. Рустамбаев (*DSc, профессор*)

М. Мамасиддиков (*DSc, профессор*)

М. Зиядуллаев (*DSc, профессор*)

Б. Муродов (*DSc, профессор*)

А. Шарафутдинов

(Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист)

Б. Пўлатов (*DSc, профессор*)

И. Файзуллаев

С. Нуридинов

У. Авилов

С. Орипов

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгасига
қайтарилимайди. «Тергов амалиёти»дан кўчириб
босилган мақолалар «Тергов амалиёти»дан
олинганлиги кўрсатилиши шарт. Муаллифлар
фиддикини таҳририят нуқтаи назаридан фарқ
қилиши мумкин.

Манзилимиз:

100029, Тошкент шаҳри,
Ю.Ражабий кўчаси, 1-уй.

www.tergov.uz;

facebook.com/tergov.uz;

instagram.com/tergov_departamenti;

[/t.me/tergov_uz](http://t.me/tergov_uz).

Телефонлар:

71 233-65-34, 71 231-55-88

МУНДАРИЖА

P. Р. Бобоҷонов

Бугунги ислоҳотлар ички ишлар органларини сифат
жихатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.....4

Б.О. Жалолов

Тергов амалиётида юзага келаётган муаммоларнинг
ечимиға интерактив ёндашув10

С. С. Орипов

Жиноят процессида холислик институти: амалдаги ҳолат
ва мавжуд муаммолар ҳамда институтни мақбуллаштириши
масалалари.....14

У. С. Авилов

Перспективы ведения уголовного судопроизводства
в электронном формате.....20

Ж. А. Иброҳимов

Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси
доирасида терроризм билан боғлиқ жиноятлар
учун жавобгарликни дифференциация қилиш
истикболлари.....26

Р. Ш. Тошибоев

Жиноят процессида шахс хуқуqlари ҳимоясини янада
кучайтириш зарурити.....36

С. Х. Шомирзаев

Божхона органлари суриштирувига тааллукли
жиноятлар: таҳлил ва мулоҳазалар.....40

Ш. Х. Файзуллахонов

Неприкосновенность и защищенность следователя,
как гарантии законности предварительного
расследования46

О. Д. Алланазаров

Махсус жиҳозланган тергов хоналарида вояга етмаган
шахслар иштирокида таниб олиш учун кўрсатиш тергов
харакатини ўтказишга оид айрим мулоҳазалар.....52

М.Ф. Ҳўжаев

Коррупцияга қарши қурашишда шаффофлик ва
жамоатчилик назоратининг ўрни, бу борада юртимизда
олиб борилаётган ижобий ислоҳотлар.....58

Топшымоклар

Зийраклигинизни текшириб кўринг.....64



ТЕРГОВ ДЕПАРТАМЕНТИ / СЛЕДСТВЕННЫЙ ДЕПАРТАМЕНТ



“Мен бир фикрни тақорлашдан чарчамайман: халқимиз ҳамма нарсадан устун құядыған адолатни ҳаётимизда том маңнода қарор топтириш энг асосий вазифамизга айланиши шарт.”

“

Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари деган дағываткор ғоя ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда. Биз айни шу асосда халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш, инсон ҳуқуқ ва әркинликлари, қонун үстуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, инновацион тараққиёт борасида мұхым қадамларни құймоқдамиз.

“

Кеңг жамоатчилик, әл-юртимиз барча ижобий үзгаришларнинг ташаббускори ва бунёдкорига айланмоқда. Мамлакатимиз фуқаролари қаерда бўлмасин, давлат ҳимоясида эканини, қонун ва адолат кучини ҳис этиб яшамоқда.

“

Шавкат Мирзиёев



БУГУНГИ ИСЛОҲОТЛАР ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИ СИФАТ ЖИҲАТДАН ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА



Маълумки, жорий йилнинг 12 февралида илк бор Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирмонович Мирзиёев раҳбарлигига ИИВ Ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Ушбу йиғилиш танқидий руҳда ўтиб, тизимдаги мавжуд муаммолар атрофлича муҳокама қилинди.

Унинг якунидагамоат хавфсизлигини таъминлаш, хуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиб соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш борасида қатор вазифалар белгиланиб, топшириқлар берилди.

Мазкур вазифалар ва топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб

Пўлат Рассакович Бобоҷонов
Ўзбекистон Республикаси

Ички ишлар вазири,
генерал – лейтенант

чиқилиши лозим бўлган жами **50 та** норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳалари тайёрланди ва бугунги кунда уларни қабул қилиш жараёни давом этмоқда.

Жумладан, **830 та** криминоген вазияти оғир маҳаллаларда муаммоларни **“маҳаллабай”** ва **“оиласбай”** аниқлаб ҳал этиш орқали хуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича **“ижтимоий профилактика”** тизимини тўлиқ жорий этиш белгиланди.

Унга кўра, **“Хавфсиз хонадон”** ва **“Хавфсиз ҳовли”** тизимини йўлга қўйиш бўйича туман – шаҳар ва маҳаллаларда ишчи гуруҳлар тузилди. Эндиликда, мазкур гуруҳлар томонидан уйма-уй юриб, аҳолининг **ижтимоий** ва маҳалла **инфратузилмасидаги муаммолари** аниқланиб, уларни **4 та** сектор кесимида ҳал этиш ишлари ташкиллаштирилди.



Ҳар бир ҳудудда жиноятларни жиловлаш бўйича **4 та сектор раҳбарлари** томонидан қўшимча чора-тадбирларнинг **“йўл ҳаритаси”** ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди.

Шунингдек, низоли оиласлар ва аҳолининг **“муаммоли тоифалари”**дан келиб чиқиб, уларга **“ташхис”** қўйиш ҳамда маҳалла аҳлиниң ҳар бир муаммоли тоифаси кесимида профилактик чораларнинг **ёндашувили методикаларини** яратиш вазифалари белгиланди.

Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида, жиноятларни сектор раҳбари шахсан **“маҳаллабай”** ва **“соҳабай”** муҳокама қилиб, таъсирчан тадбирларни белгилаш амалиёти йўлга қўйилди. Профилактика инспекторлари билан **“шаҳар инспектори”** ва **“қишлоқ инспектори”** моделлари асосида икки босқичли **сайёр курсларда** ўқиш ташкил этилди.

Республикадаги барча маҳаллаларни криминоген вазиятдан келиб чиқиб,

“қизил”, “сарик” ва **“яшил”** тоифаларга ажратиш, бундай маҳаллаларда **“жиноят ўчоқлари”**ни аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилди.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритувини тўлиқ электрон шаклга ўтказиш, профилактика инспекторларининг **маъмурий жазо қўллаш** ваколатини яна **15 та** (амалда 14 та) моддага кўпайтириш ҳамда профилактик ҳисобга олиниши лозим бўлган шахслар рўйхатини **7 тагача** (27 тадан) қисқартириш бўйича **қонун лойиҳалари** ишлаб чиқилиб, тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

Шу билан бирга, жиноятчиликни жиловлаш борасида ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда бир қатор **янгича амалиётлар** жорий этилмоқда.

Жумладан:

– Ангрен, Нукус ва Қарши шаҳарлари



ҳамда Сариосиё, Чироқчи ва Косон туманларини **"Намунавий хавфсиз ҳудуд"**га айлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди;

– Андижон, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида одам савдосининг, Бухоро ва Наманган вилоятларида ўғирликнинг, Тошкент шаҳрида эса гиёҳвандлик, ахлоқсизлик ва ўюшган жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича **"ҳудуд методикалари"** тайёрланди;

– сўнгги тўрт йил мобайнида республика миқёсида жиноятларнинг **30 фоизи 45 та** туман – шаҳарларнинг ҳиссасига тўғри келганлигини инобатга олиб, уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида "йўл харита"лари ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди.

– нисбатан оғир **42 та** маҳаллаларда жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабабларини ўрганиб,

иљмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш учун улар Вазирлик Академияси, бош прокуратуранинг Академияси ва Миллий гвардиянинг Жамоат хавфсизлиги университетига бириктирилди;

– ҳар бир ҳудудда профилактика инспекторлари билан жойлардаги ҳокимлар ҳар ойда учрашиб, уларнинг муаммоларини ҳал этиш амалиёти йўлга кўйилди;

– республика бўйича криминоген вазияти энг оғир хисобланган маҳаллаларда **"Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани"** жорий этиш чоралари кўрилмоқда.

Умуман олганда, бугунги кунда Вазирликнинг хизмат фаолияти "маҳаллабай" ташкил этилмоқда.

Хусусан, ички ишлар вазири,



вазир ўринбосарлари томонидан ҳар бир маҳаллада мавжуд муаммоларни атрофлича ўрганиб чиқиб, уларни бартараф этиш бўйича вилоят ҳокимликлари билан биргаликда сайёр йиғилишлар ўтказиб келинмоқда.


Мазкур йиғилишларда жойлардаги криминоген оғир вазиятни ижобий томонга ўзgartириш, бу борада хуқуқ-тартибот органлари, Ёшлар ишлари агентлиги, маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш, соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва бандликни таъминлаш идоралари раҳбарларининг масъулиятини ошириш чоралари кўрилмоқда.

Жиноят энг кўп содир этиладиган **45 та** туман ва шаҳарлар сирасига кирувчи Нукус ва Урганч шаҳарлари ҳамда Чилонзор ва Зангиота туманларидағи вазият **ишли гурӯҳ** томонидан ўрганиб чиқилиб, жиноятчиликни жиловлаш бўйича алоҳида ёндашув амалиётга жорий этилмоқда.

Криминоген вазият оғир маҳаллаларда илмий ёндашувлар асосида хавфсиз муҳит яратиш мақсадида, ҳар бир ҳудудда **1 тадан** маҳаллалар танланиб, **идоравий олий ўқув юртлари**га бириклирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора – тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармони тизимдаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Мазкур **Фармон** билан белгиланган чора-тадбирлар доирасида Вазирликнинг ташкилий тузилмаси қайта кўриб чиқилиб, вазир ўринбосарлари бевосита раҳбарлик қиласидан **5 та янги департамент** ташкил этилиши назарда тутилди.





Жумладан, Тезкор-қидиругүү департаменти, Жамоат хавфсизлиги департаменти, Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти, Маънавий – маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти, Жазони ижро этиш департаментлари ташкил этилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳрида жиноятычиликни жиловлаш самарадорлигини ошириш мақсадида, **24 та** ички ишлар бўлими қисқартирилиб, уларнинг **129 та** ҳамда қўшимча ажратилган **836 та** штат бирликлари ҳисобига ҳукуқбузарликлар профилактикаси ва тергов-тезкор тузилмалари кучайтирилди.

Ҳукуқбузарликлар профилактикасини илмий ёндашув асосида **“маҳаллабай”** йўлга қўйиш мақсадида, Вазирга бўйсунувчи **Жамоат хавфсизлиги муаммоларини ўрганиш илмий-амалий**

тадқиқотлар маркази ташкил этилди.

Республикадаги ҳар бир туман-шаҳарнинг криминологик прогнозини тузиш мақсадида марказ мутахассисларининг жойларга чиқиш амалиёти жорий этилмоқда.

Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятида хавфсизликни таъминлашга жалб этилган куч-воситаларни ягона **“пойтаҳт минтақаси”** тамойили асосида сафарбар этиш мақсадида Жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича **мувофиқлаштирувчи кенгаш** фаолияти йўлга қўйилди.

2021 йилдан 2023 йилга қадар Тергов бўлинмалари ходимлари билан ИИВ Академиясида ташкил этиладиган 10 кунлик малака оширишга қаратилган амалий ўқув машғулотлари ўтказилиб келинмоқда.



Ёш терговчи ва суриштирувчиларнинг судларда амалиёт ўташ тартиби янгитдан жорий қилиниб, уларнинг ҳафтада бир маротаба суд жараёнларида иштирок этиш амалиёти йўлга қўйилди.

Ўқувчи-ёшлар орасида жиноятларнинг олдини олиш, шунингдек ходимларда нотиқлик маданиятини шакллантириш мақсадида ҳар бир терговчи ва суриштирувчи томонидан худуддаги мактабларда ҳар ўн кунда бир маротаба ўқувчилар билан учрашиш ва очик мулоқот олиб бориш амалиёти жорий этилди.

Умуман олганда, Янги Ўзбекистон даврида амалга оширилаётган ислоҳотлар ички ишлар органлари

фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.


Ушбу босқичда “Ватанга ва халқقا садоқат билан хизмат қилиш – олий бурчимиз” деган концептуал ғоя асосида ходимларни тарбиялаш ҳамда ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган профессионал тузилмага айлантириш чора-тадбирлари изчил давом эттириляпти.

Мақсадимиз, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда халқимизнинг розилигига эришиш.





ТЕРГОВ АМАЛИЁТИДА ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАРНИНГ ЕЧИМИГА ИНТЕРАКТИВ ЁНДАШУВ



Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг ташаббуслари билан ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуий бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда шахснинг ҳукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, судтергов соҳасига халқаро стандартлар ва илфор хорижий тажрибани жорий этиш мақсадида ички ишлар

Жалолов Бахтиёр Одилович
Тергов департаменти бошлигининг
биринчи ўринбосари,
ПОЛКОВНИК

органларининг жиноятларни тергов қилиш фаолиятида ҳам қатор ислоҳотлар ўтказилди.

Жорий йилнинг 26 март куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6196-сон Фармони эса ушбу соҳадаги ислоҳотларнинг кейинги босқичини белгилаб берди.

Мазкур Фармон талабларидан келиб чиқиб, ички ишлар органлари ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш, уларнинг масъулияти ва касбий салоҳиятини ошириш ҳамда соҳани рақамлаштиришга эришиш мақсадида Тергов департаменти томонидан Интерактив имкониятларга эга «tergov-amalijot.uz»



web-сайти яратилиб, амалиётга жорий қилинди.

Мазкур сайтда ички ишлар органларининг барча терговчи ва суриштирувчилари учун фаолиятда юзага келаётган муаммолар ҳамда турли масалалар юзасидан мунозаралар ўтказиш ва саволжавоблар олиб бориш имкониятлари яратилди.

Сайтдан фақатгина Тергов департаменти томонидан рўйхатдан ўтказилган терговчи ва суриштирувчилар фойдалана олиши таъминланган, шунингдек, тизим “HTTPS сертификати” билан ҳимояланган.

Бугунги кунга қадар сайтдан ички ишлар органлари тергов

бўлинмаларининг 1.645 нафар терговчи ва суриштирувчилари рўйхатдан ўтказилди ҳамда ҳар бир ходимга алоҳида логин ва пароллар бириктирилди.

Ходимларнинг сайт орқали “очиқ мулоқот” олиб боришларини ҳамда бирон бир муаммо ёки масалани “тортинишсиз” ёритишлирини таъминлаш мақсадида, ҳар бир терговчи ва суриштирувчилар фойдаланувчи сифатида алоҳида “никнейм” орқали рўйхатга олинди (масалан: tergov1485 ёки tergov 3127).

Сайтда терговчи ва суриштирувчилар ўртасида муҳокама қилинган амалиётдаги муаммо ёки бирон бир масалалар мавзусига кўра алоҳида тартибда сақланиб борилиши йўлга қўйилди.

**ФАҚАТГИНА ТЕРГОВ
ДЕПАРТАМЕНТИ**
ТОМОНИДАН РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН
ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ФОРУМГА
КИРИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА



МУХОКАМА ҚИЛИНАДИГАН МАВЗУЛАР

ЖИНОЯТЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ	
Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар	Ушбу бўлимда ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни малакалашда вужудга келаётган муаммолар ва казус ҳолатлари муҳокама қилиниши мумкин
Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятлар	Ушбу бўлимда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятларни малакалашда вужудга келаётган муаммолар ва казус ҳолатлари муҳокама қилиниши мумкин
Шахсга тан жароҳати етказиш билан боғлиқ жиноятлар	Ушбу бўлимда шахсга тан жароҳати етказиш билан боғлиқ жиноятларни малакалашда вужудга келаётган муаммолар ва казус ҳолатлари муҳокама қилиниши мумкин
ПРОЦЕСС ИШТИРОКЧИЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР	
Процесс иштирокчилари билан боғлиқ муаммолар	Ушбу бўлимда процесс иштирокчилари билан боғлиқ муаммолар муҳокама қилиниши мумкин
АШЁВИЙ ДАЛИЛЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР	
Виртуал макондаги жиноятларни тергов қилишда далилларни расмийлаштириш	Ушбу бўлимда виртуал макондаги жиноятларни тергов қилишда далилларни расмийлаштириш жараёнида юзага келаётган муаммолар муҳокама қилиниши мумкин
СУДГА ҚАДАР ИШ ЮРИТИШДАГИ БОШҚА МУАММОЛАР	
Судга қадар иш юритишдаги бошқа муаммолар	Ушбу бўлимда судга қадар иш юритишдаги бошқа муаммолар муҳокама қилиниши мумкин
ТЕРГОВ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ТЕРГОВДА АДОЛАТНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР	
Кодексларга таклифлар	Ўзбекистон Республикаси кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича асослантирилган таклифлар
Қонунларга таклифлар	Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича асослантирилган таклифлар
Олий суд Пленуми қарорларига таклифлар	Олий суд Пленуми қарорларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш бўйича асослантирилган таклифлар
Бошқа мазмундаги таклифлар	Кодекс, Қонун ва Олий суд Пленуми қароридан бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда тергов фаолиятини янада такомиллаштириш ва терговда адолатни таъминлаш бўйича асослантирилган таклифлар



ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТ МАСАЛАЛАРИ

Илмий изланишлар ва педагогик фаолият	Тергов фаолияти соҳасида илмий изланишлар олиб бораётган ходимларга кўмаклашиш, терговчи ва суриштирувчилар ўтасида сўровномалар ўтказиш.
ЯНГИЛИКЛАР ВА ЭЪЛОНЛАР	
Тергов тизимидағи янгиликлар	Тергов тизимидағи охирги янгиликлар, тадбирлар, воқеа ва ҳодисаларга терговчи ва суриштирувчиларнинг муносабати, фикр ва мулоҳазалари
Эълонлар	Ходимлар учун муҳим эълонлар

Сайт орқали тергов фаолияти соҳасида илмий изланишлар олиб бораётган ходимлар томонидан терговчи ва суриштирувчилар ўтасида сўровномалар ўтказиш имконияти яратилди.

Келгусида, Тергов департаменти томонидан «tergov-amaliyoti.uz» сайтини техник ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш чоралари кўриб борилади.

Бугун кун талабларидан келиб чиқиб, тергов соҳасига ҳам рақамли технологияларни жалб қилиш, ижобий хорижий ва миллий иш тажрибани таҳлил қилиб, амалиётга дастлабки терговнинг замонавий шакллари, усуллари ва тактик услубларини жорий қилиш режалаштирилган.





ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ХОЛИСЛИК ИНСТИТУТИ: АМАЛДАГИ ҲОЛАТ ВА МАВЖУД МУАММОЛАР ҲАМДА ИНСТИТУТНИ МАҚБУЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ



Юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотларнинг самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови ҳам Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш билан бевосита боғлиқдир.

Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг "Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида ижтимоий ҳаётнинг муайян соҳалари қаторида, жиноят ва жиноят процесси қонунчилигига шахс, унинг ҳуқуқлари, әркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда қонунийликка амал қилиш ва умумэтироф этилган инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга қаратилган бир қатор вазифаларни амалга ошириш лозимлиги белгиланди.

Жумладан, мазкур қарорга кўра жиноят процессида қўйидагиларни назарда тутувчи тегишли тадбир амалга

Собирзода Собир ўғли Орипов
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
хузуридаги Тергов департаменти
бўлим бошлиғининг ўринбосари,
подполковник

oshiirilish nazarda tutildi:

* шахсни ушлаш, унга процессуал ҳуқуқларини тушунтириш, ҳимоячидан воз кечиш ҳаракатларини мажбурий тарзда видео тасвирга тушириш тартиби жорий этиш;

* ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари зиммасига улар томонидан шахс ушланганидан сўнг унинг ушлангани ва ушлаб турилган жойи тўғрисида унинг оила аъзоларидан бирини, улар бўлмаган тақдирда эса, бошқа қариндошларини ёки яқин кишиларини дарҳол хабардор қилиш бўйича мажбурият юклаш;

* прокурор, суриштирувчи ёки терговчининг жиноят ишини қўзғатиш, жиноят иши қўзғатишни рад этиш, тафтиш тайинлаш, суриштирув ёки дастлабки терговни тўхтатиш ва жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарорлари устидан манфаатдор шахслар томонидан бевосита судга шикоят қилиш;

* суд ишларини ҳал этишга аралашиб, жумладан ишнинг ҳар томонлама, тўла ва холисона



ўрганилишига тўсқинлик қилиш, адолатсиз хукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эришиш мақсадида судьяга турли шаклда таъсир ўтказиш ҳолатлари бўйича жавобгарликни кучайтириш.

Қарорда назарда тутилган ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида вазирлик ва идоралардан иборат ишчи гурухлари ташкил этилган ҳолда, тегишли қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди. Ушбу қонун лойиҳалари ҳар томонлама ўрганиб чиқилган ҳолда бир неча маротаба муҳокамалар қилинди.

Ушбу лойиҳалардабири, "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги"ги Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 14 май кунидаги ЎРҚ-617-сон Қонунидир.

Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг бир қанча нормаларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар

киритилди.

Қонун билан киритилган асосий ўзгартиш ва қўшимчалардан бири муайян процессуал ҳаракатларни амалга оширишда видеоёзув орқали қайд этилишининг мажбурий этиб белгиланганлиги бўлиб, бунинг натижасида процесс иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг таъминланишига риоя этилиши янада мустаҳкамланишига эришилди.

Жумладан, қонун билан Жиноят-процессуал кодексининг 91-моддасида (Далилларни қайд этишда ёрдамчи усуллар. Баённомага иловалар) мажбурий равища видеоёзув орқали қайд этилиши лозим бўлган процессуал ҳаракатлар доираси кенгайтирилиб, унда ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, тинтуб, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти, шахсни ушлаш, ҳимоячидан воз кечиш, шунингдек шахсни ушлаш жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтуб ва олиб қўйиш ҳаракатлари ҳам видеоёзув орқали мустаҳкамланиши назарда тутилди.



Мазкур норманинг қабул қилиниши натижасида, жиноят процесси давомида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига алоқадор масалаларнинг очиқлиги ва шаффоғлиги таъминланиб, уларга нисбатан тазиқ үтказилиш ҳамда қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олишга хизмат қилиши мустаҳкамланди. Буни биз миллий нормаларнинг ҳалқаро умумэтироф этилган нормаларга мувофиқлаштирилиш сари яна бир қадам сифатида баҳолаш мумкин. Зеро, бугунги ислоҳотлар аввало инсон ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш ва уни рёубга чиқаришин талаб этмоқда.

Шу ўринда, процессуал ҳаракатларни амалга оширишда холислар институтидан фойдаланиш тартиби тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Жиноят-процессуал кодексида муайян процессуал ҳаракатларни амалга оширишда холислар иштирок мажбурий эканлиги белгиланган. Жумладан, ушбу Кодексда холислар жиноят процессида иштирок этиувчи бошқа шахслар сифатида кўрсатилиб, унинг 73-моддасига кўра, холислар суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан тергов ёки бошқа ҳаракатлар үтказилганини, уни үтказиш жараёни ва натижаларини тасдиқлаш учун ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда чақирилади. Шунингдек, тергов ҳаракатларини юритишида иштирок этиш учун ишнинг оқибатидан манфаатдор бўлмаган, камида икки нафар вояга етган фуқаро холис сифатида чақирилиши лозимлиги, тергов ҳаракатини бошлашдан олдин суриштирувчи, терговчи ёки прокурор уларга ҳуқук ва мажбуриятларини тушунириши шарт.

Жиноят-процессуал кодексининг 352-моддасига кўра,

1. Таниб олиш учун кўрсатиш (127-129-моддалар),

2. Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш (133-модда),

3. Кўздан кечириш (136-модда),

4. Гувоҳлантириш (146, 445-моддалар),

5. Мурдани эксгумация қилиш (149-модда),

6. Суриштирув ёки тергов эксперименти (155-модда),

7. Олиб қўйиш ва тинтуб (161-модда),

8. Шахсий тинтуб (162-модда),

9. Экспертиза текшируви учун намуналар олиш (193-модда),

10. Почта-телефраф жўнатмаларини кўздан кечириш ва олиб қўйиш (167-модда),

11. Жиноят иши қўзғатилгунга қадар ушлаб туриш тартиби (224-модда),

12. Мол-мulkни хатлаш (291-модда) ни расмийлаштиришда холислар иштирокида тегишли баённомалар расмийлаштирилиши шарт эканлиги кўрсатилган.

Бунда биз, Жиноят-процессуал кодексининг 91-моддасида назарда тутилган видеоёзувга қайд этилиши лозим бўлган баъзи процессуал ҳаракатлар, жумладан ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, тинтуб, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти, шахсни ушлаш ва шахсни ушлаш жараёнида үтказиладиган шахсий тинтуб ва олиб қўйишларнинг ҳам такрорланишини кузатишимиз мумкин.

Амалдаги жиноят процессуал қонунчилиги талабларига кўра, ушбу тергов ва бошқа ҳаракатлар бўйича видеоёзувга олиниши ва уларда холисларнинг иштирок этишлари мажбурий этиб белгиланган.

Бундан ташқари, ушбу кодексининг 91-моддаси биринчи қисмига кўра



эса, суриштирувчи, терговчи, суд далилларни қайд этиш учун ёрдамчи усуллар сифатида баённома тузиш билан бир қаторда овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвир, фотосуратга тушириш, қолиплар тайёрлаш, нусхалар олиш, режалар, схемалар тайёрлаш ва ахборотни акс эттиришнинг бошқа усуллари кўлланилиши мумкинлигини ҳам назарда тутган.

Ушбу қоидага кўра, суриштирувчи, терговчи, суд кодекснинг 91-моддаси тўртинчи қисмида назарда тутилган видеоёзувга олиниши мажбурий бўлган 7 та процессуал ҳаракатлардан ташқари, бошқа процессуал ҳаракатларни ҳам видеоёзувга қайд этиши мумкинлигини кўришимиз мумкин.

Бироқ, бугунги кунда жиноят процессига ахборот технологиялари кенг тадбиқ этилаётган шароитда терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов

жараёнида холислар институтини мақбуллаштиришга зарурият мавжудлигини кузатиш мумкин.

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, Жиноят-процессуал кодексининг 73-моддасига кўра холисларнинг жиноят процессидаги иштирокидан асосий мақсад ва мантиқ – суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан тергов ёки бошқа ҳаракатлар ўтказилганини, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тасдиқлашdir.

Ўз-ўзидан мантиқий савол түғилади: хамонки, жиноят-процессуал қонунчилигига тергов ҳаракатларини ўтказилганини, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тасдиқлашнинг ёрдамчи усуллари сифатида замонавий ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланишининг имконияти мавжуд экан, нима сабабдан ушбу имкониятдан фойдаланиб, бу орқали фуқароларнинг сарсонгарчиликларини





камайтиришнинг йўлларини ўйлаб кўриш керак эмас!?

Холбуки, ЖПКнинг 318-моддаси биринчи қисми 2-бандига мувофиқ, процессуал чиқимлар доимий иш ҳақи олмайдиган жабрланувчиларга ва уларнинг вакиллариага, гувоҳларга, холисларга уларни одатдаги машғулотидан чалғитганлик учун тўланадиган суммадан иборатлиги белгиланган.

Ушбу модданинг иккинчи қисмига кўра эса, санаб ўтилган бошқа бир қанча тўланувчи ҳолатлар қаторида холислар учун ҳам суммалар суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажримига мувофиқ бюджет маблағлари ҳисобидан тўланиши кўрсатилган.

Мисол учун, 2020 йил 12 ойи давомида жиноят ишлари бўйича 55 447 та процессуал ҳаракатларда иштирок этиш учун 110 023 нафар

фуқаролар холис сифатида жалб қилинган. Бу эса, ўз навбатида давлат бюджетига ёки холис сифатида жалб этилган шахснинг ўзига ҳам моддий жихатдан сезиларли таъсир кўрсатишни кузатиш мукин.

ЖПКда муайян процессуал ҳаракатларнинг мажбурий видеоёзувга олиниши белгиланганилиги ҳамда суриштирувчи, терговчи, суд исталган процессуал ҳаракатларни қайд этишнинг ёрдамчи усули сифатида видеоёзувдан фойдаланиши қонун билан белгилаб қўйилган экан, юқорида санаб ўтилган муаммоларнинг ечими сифатида жиноят процессуал қонунчилигида холислик институтини мақбуллаштириш айни мудда назаримизда.

Тўғри, балки мажбурий видеоёзувга олиниши лозим бўлган барча процессуал ҳаракатлар (масалан, тинтуб ёки шахсни ушлаш жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтуб ва олиб қўйиш ҳаракатлари) бўйича холислик






институтидан воз кечиб бўлмас, лекин уларнинг баъзилари бўйича ёки муайян вазиятларни инобатга олган ҳолда, процессуал ҳаракатни видеоёзувга ёзиб олган ҳолда ушбу масалани ҳал этиш мумкин.

Мисолуучун, Навоий вилояти Учқудук тумани Мингбулоқ-Халқобод-Кегейли йўналишида, Учқудук шаҳридан вилоят билан чегарарадош Қорақалпоғистон Республикасигача бўлган масофа 350 километрни ташкил этади. Ушбу чегара унга энг яқин аҳоли яшаш пункти бўлган Қулқудук ҚФЙдан 270 километр узоқликда жойлашган. Йўлнинг 210 – километрида соат 23:00да ўлим билан боғлиқ йўл транспорт ҳодисаси содир бўлиб ва бу жой аҳоли яшаш жойидан 130 километр узоқликда бўлиб, ҳолат бўйича воқеа жойига тергов-тезкор гурӯҳи чиққан ҳолда, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш учун холисларни жалб этиши лозимлигини кўз олдимиизга келтириб кўрайлик.

Тергов амалиётидаги асосий


муаммо: туннинг ярмида қайси фуқарони холис сифатида жалб эта оламиз? Бундан ташқари, 210 километрга ходимлар билан бирга олиб борилган фуқаронинг холислигини қай даражада баҳолаш мумкин? Чунки, ЖПКга кўра процессуал ҳаракатни амалга оширишда холис иштироки мажбурий бўлганилиги учун баъзи ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ўзларига олдиндан таниш шахсларни холис сифатида жалб этадилар. Бунинг оқибатида, тергов ўтказишда холислик амалда таъминланмайди.

Юқорида келтирилган омилларни инобатга олган ҳолда, жиноят процессини юритиш чофида бугунги кунда ривожланиб бораётган рақамли технологиялар имкониятларини кенг жалб этиш, замон билан хамоҳанг тарзда, жиноят процессининг рақамли макондаги методикасининг шаклланиб боришига ҳамда фуқароларни ортиқча сарсон бўлишларининг олдини олишга эришилган бўлади.





ПЕРСПЕКТИВЫ ВЕДЕНИЯ УГОЛОВНОГО СУДОПРОИЗВОДСТВА В ЭЛЕКТРОННОМ ФОРМАТЕ



Речь идет об имеющихся перспективах ведения в электронном формате уголовного судопроизводства Узбекистана. Отмечено, что одним из его основных элементов является электронный документ, порядок использования которого нуждается в совершенствовании. Сделан вывод о том, что правовое регулирование применения информационно-цифровых технологий в уголовном процессе должно иметь системный характер, быть направленным на обеспечение как публичных, так и частных интересов, способствовать большей доступности к правосудию.

Ключевые слова: электронное уголовное дело, электронный документ, доступ к правосудию, соотношение частных и публичных интересов, злоупотребление правомочиями.

Научно-техническая революция, глобальная информатизация и цифровизация современного общества, повсеместное использование

Авилов Улугбек Сайдуллаевич
Начальник
информационно-аналитического
отдела Следственного департамента
при МВД Республики Узбекистан,
майор

электронных средств коммуникации обусловили необходимость перехода судебно-следственных органов на качественно новый уровень. Применявшиеся долгие годы методы коммуникации затрудняют производство по уголовному делу и не отвечают потребностям и ожиданиям современного общества. Одним из универсальных инструментов модернизации уголовного судопроизводства может стать переход от бумажного к электронному уголовному делу. Это будет способствовать одновременному достижению целей внедрения новых информационных технологий, повышению открытости, доступности и оперативности правосудия, а также совершенствованию самого процесса посредством снижения его избыточного формализма.

В последние годы в Республике Узбекистан одним из важных направлений осуществляемых реформ является внедрение и развитие системы «Электронное правительство»



и информационно-коммуникационных технологий. Обращается внимание усовершенствованию порядка предоставления государственных услуг, в частности обеспечения полного двухстороннего функционирования электронных услуг населению и субъектам предпринимательства.

Как отмечается в Указе Президента «О мерах по коренному улучшению условий для развития отрасли информационных технологий в Республике» проводимые за последние годы поэтапные реформы по внедрению информационно-коммуникационных технологий (далее ИКТ) во все сферы государственного управления и предоставления государственных услуг позволили добиться значительного прогресса в продвижении

и реализации системы «электронное правительство», создании эффективных механизмов налаживания диалога с народом и своевременного решения насущных проблем населения на местах.

Между тем, стремительное развитие ИКТ, открывая новые возможности, предъявляет требования и к деятельности правоохранительных органов и судов, чья результативность работы невозможна без их эффективного информационного обслуживания. Безусловно в информационном обществе подавляющее количество документов должны создаваться, взаимодействовать и уничтожаться в рамках электронного взаимодействия без какого-либо участия человека. Эти документы создаются на основе жестких детерминированных алгоритмов программ¹. Человек



информационных услуг, развитии перестает формировать документы

1. Пастухов П.С. Использование информационных технологий в российском уголовном



и ограничивается созданием правил формирования и преобразования электронного документа компьютером². Существует мнение, что наиболее принципиальное изменение в способе формирования фактуры доказывания будет связано с внедрением технологий бездокументарного обращения информации. На смену бумажным неминуемо придут информационные технологии, основанные на использовании средств электронно-вычислительной техники и электросвязи, одним из продуктов которых являются электронные доказательства³.

Об этом свидетельствует и Указ Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по усилению гарантий прав и свобод граждан в судебно-следственной деятельности»⁴.

Так, данным указом обозначены несколько задач о выработке и внесению предложений по дальнейшему совершенствованию законодательства и методологии расследования и рассмотрения уголовных дел, расширению использования современных информационно-коммуникационных технологий в судебно-следственной деятельности, оптимизации и упрощению делопроизводства по уголовным делам,

судопроизводстве // Вестник экономической безопасности. 2016. № 5. С. 41.

2. Зигура Н А Компьютерная информация как вид доказательств в уголовном процессе России: Дисс... канд. юрид. наук. Челябинск, 2010. С. 26.

3. Пастухов П.С. Использование информационных технологий в российском уголовном судопроизводстве // Вестник экономической безопасности. 2016. № 5. С. 41.

4. Национальная база данных законодательства, 1.12.2017 год, № 06/17/ 5268/ 0341

5. Соколов Ю.Н. Допустимость рассмотрения материалов уголовного дела в электронной форме // Информационное право. 2017. № 1. С. 28–33.

в том числе путем внедрения системы «Электронное уголовное дело».

Эти вопросы вошли и в число задач, обозначенных в Государственной программе 2018 года. В связи с этим необходимо рассмотреть перспективы ведения уголовного судопроизводства в электронном формате в национальную практику Узбекистана.

В современной юридической литературе под «электронным уголовным делом» понимается информационная система, предназначенная для хранения цифровой информации – материалов уголовного дела, полностью заменяющая собой бумажный вариант, с высоким уровнем безопасности⁵. Практика производства по уголовному делу в электронном формате достаточно широко распространена в рамках судебных систем таких зарубежных стран, как Австрия, Великобритания, Германия, Дания, Италия, Канада, Нидерланды, Саудовская Аравия, США, Швеция, Южная Корея и др. Следует отметить, что информационная система «электронное уголовное дело» внедрена и в государствах постсоветского пространства: Грузии, Республике Казахстан, Республике Молдова, Украине, Эстонии и др.

Анализ опыта зарубежных стран позволяет заключить, что переход



к системе «Электронное уголовное дело» должен осуществляться поэтапно, и по ряду направлений сразу. Основными направлениями являются техническое переоснащение судов и правоохранительных органов, определение источников финансирования, обучение работников судов и правоохранительных органов, подготовка нормативной базы и др. Внедрение системы «Электронное уголовное дело», являясь одним из направлений модернизации уголовного судопроизводства, по нашему мнению, должно вестись одновременно в нескольких направлениях: пересмотр принципов уголовного процесса; подготовка юридических кадров (навыки в сфере IT); разработка модели для досудебного и судебного производства; создание нормативно-правовой базы; усиление гарантий прав участников уголовного процесса в ходе всего уголовного процесса; повышение открытости, доступности и оперативности правосудия, а также устранение избыточного формализма. Результатом модернизации уголовного судопроизводства может быть полный отказ от бумажного производства с переходом к электронному уголовному делу.

В свою очередь, переход к электронному уголовному делу позволит повлиять на сокращение сроков уголовного судопроизводства, улучшение доступа к процессуальной информации

всех участников судопроизводства; создание дополнительных возможностей обеспечения права на защиту соответствующих участников уголовного процесса; сокращение процессуальных издержек; систематизацию и структурирование материалов уголовного дела; снижение риска фальсификации материалов уголовного дела; повышение транспарентности правосудия по уголовным делам и т.д.⁶.

Безусловно, переход к системе «Электронное уголовное дело» процесс трудоемкий и затратный. Необходимы достаточные инвестиции как в оборудование, так и в систему подготовки кадров. Каждый элемент электронного уголовного дела должен получить не только техническое разрешение, но и правовое регулирование. На наш взгляд, для эффективного разрешения данного вопроса должна быть организована рабочая группа, состоящая не только из юристов, но и специалистов в области информационных технологий и экономистов. Только при комплексном подходе можно будет вести речь о возможных позитивных результатах.

Справочно. Одним из лидеров в использовании технологий безбумажного документооборота в уголовном судопроизводстве является Финляндия. В настоящее время интегрированная информационная система правоохранительных органов Финляндии обслуживает 63 судебных

6. Об этом более подробно можете ознакомится здесь: Качалов О.В., Светков Ю.А. Электронное уголовное дело инструмент модернизации уголовного судопроизводства // Российское правосудие. 2015. №2. С. 95-101



округа, 6 апелляционных судов и Верховный суд Финляндии. Ежегодно системой обрабатывается 90 тыс. уголовных дел, 52% которых рассматривается судьей единолично. В систему интегрированы 30 пенитенциарных учреждений, органы криминальной полиции, прокуратуры, судебные приставы, управление по сбору штрафов за уголовные преступления и пенитенциарные суды. Главным координатором программы является Министерство юстиции Финляндии.

Также заслуживает внимания опыт США по внедрению информационно-коммуникационных технологий в правоохранительную деятельность. В частности, с 1997 года в этой стране принято несколько федеральных законов, которые ускорили процесс перехода на электронный документооборот в уголовном судопроизводстве.

Сегодня интегрированная информационная система правоохранительных органов, например, в штате Аляска обслуживает 4500 сотрудников правоохранительных органов. Полностью электронным образом ежегодно сопровождаются более 40000 решений об аресте, 13500 приговоров судов и 14500 прочих уголовно-процессуальных решений.

В рамках соответствующего проекта реализованы: система снятия отпечатков пальцев, автоматизированная

информационно-поисковая даурская лоскопическая система, оперативно-розыскные и криминалистические базы данных (в том числе база данных генетической информации), а также доступ в общенациональные базы данных. Данная система надежно защищена и имеет различные уровни доступа к хранящейся информации. В локальную сеть системы объединены 250 агентств и органов (полицейские участки, офисы прокуроров и адвокатов, пенитенциарные учреждения, суды). Доступ к системе возможен и с патрульных машин полиции.

Положительным моментом системы является концепция полного электронного документирования материалов уголовного дела.

Среди стран СНГ интересен опыт Казахстана⁷. Проект электронного уголовного дела разработан Комитетом по правовой статистике и специальных учётов Генеральной прокуратуры. Программа охватывает все стадии уголовного процесса: регистрацию преступления, расследование и исполнение приговора. По мнению Генерального прокурора Республики Казахстан Ж.Асанова, цифровизация уголовного процесса позволит решить ряд чувствительных для населения вопросов, а также упростить процедуру сбора доказательств и составления процессуальных документов, снизить риски фальсификации материалов дела, а также материальные затраты и нагрузку

7. <http://информбюро.kz>. К сведению, программа апробируется с 15 августа в Астане и Жамбылской области, с 10 сентября в Атырауской и Восточно-Казахстанской, а с 20 сентября в Западно-Казахстанской и Южно-Казахстанской областях.



на следственные и судебные органы.

Главными преимуществами программы разработчики называют следующие аспекты: избежание фальсификаций, обеспечение оперативности; возможность ознакомления в любое время (в онлайн-режиме); получение санкции суда в электронном виде; избавление от ненужной бумажной волокиты.

Заключение. Каким бы образом не был решен вопрос широкого использования информационных технологий в уголовном судопроизводстве (с переходом на электронное уголовное дело), ключевым

принципом всех нововведений должен быть девиз «Все во имя человека, все для блага человека», который для уголовного судопроизводства, сопряженного с применением мер процессуального принуждения, имеет особое значение. Разработка программы и внесение изменений в законодательство должно осуществляться с учетом не допущения какого-либо нарушения или ущемления прав участников уголовного судопроизводства.





ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ ДОИРАСИДА ТЕРРОРИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ



Иброҳимов Жамшид Абдуғофур ўғли
Юридик фанлар бўйича
фан доктори (PhD),

Мақолада жиноят қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси доирасида терроризм билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарликни дифференциация қилиш истиқболлари ўрганилган. Мақолада шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг терроризмга оид моддаларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Терроризм жиноятининг ҳажми ва кўлами ортганлиги, янги шакллари, методлари ва усуллари пайдо бўлганлиги натижасида охирги йилларда ушбу жиноятлар учун жавобгарликни янада кучайтириш ҳамда дифференциация қилиш тенденцияси кузатилмоқда.

Хусусан, жаҳон мамлакатларида терроризм билан боғлиқ криминализация қилинаётган қилмишлардан бири бу – терроризм ҳақида қасдан ёлғон хабар бериш жиноятидир.

Терроризм ҳақида қасдан ёлғон хабар беришнинг ижтимоий хавфи бундай хабарлар қўрқув, ваҳима ва тартибсизликни қўзғатиши, шунингдек,

давлат ҳокимият органларининг терроризмга қарши курашиш имкониятини кучсизлантиришида намоён бўлади. Шу билан бирга, терроризм ҳақида қасдан ёлғон хабар бериш ҳолатлари давлат бошқарув органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар, транспорт воситаларининг нормал фаолиятини бузади, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг кучларини портловчи мосламаларни қидириб топишга йўналтириб, бесамар ишлашига, ортиқча куч ва ресурслар сарфланишига сабаб бўлади¹.

А.Н.Игнатов таъкидлаганидек, терроризм тўғрисида қасдан ёлғон хабар беришнинг ижтимоий хавфлилик даражаси тобора ошиб бормоқда, бу авваламбор, инсониятнинг инновацион ва техник ривожланиши (биринчи навбатда, ахборот технологияларининг ривожланиши) ва ахборот жамиятининг глобал ривожланиши, шунингдек, халқаро терроризм таҳди迪 кўламининг ортиб бориши билан узвий боғлиқ. Шу тариқа терроризм тўғрисидаги хабарларга

1. Янгуразова Г.Д. Особенности объективных и субъективных признаков статьи 207 Уголовного кодекса Российской Федерации // Наука. Общество. Государство. Электронный научный журнал. – 2018. – Т.6. №2 (22).



муносабат билдиришга мажбур бўлган инсон, жамият ва давлатга етадиган зиён ҳам мутаносиб равишда ошиб боради (тўғридан-тўғри мулкий зиён, моддий йўқотишлар, шунингдек, маъмурий ва ресурс харажатлари ва бошқалар)².

Терроризм ҳақида қасдан ёлғон хабар бериш террористик мазмун ва хусусиятга эга. Замонавий дунёда терроризм таҳиди билан дуч келган ҳар қандай жамият, терроризмни зарарли деб билади ҳамда шошилинч чоралар кўришни талаб қиласди, чунки бу террорчилик ҳаракати содир этилиши таҳидидан далолат беради. Терроризм тўғрисидаги ҳар қандай ёлғон хабар жамият ва давлат ҳаётининг нормал шароитлари ва тартибини бузади, аҳолини қўрқувга солади, ҳокимият органлари, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, давлат муассасалари ва ташкилотларининг фаолияти тартибига путур етказади, ижтимоий инфратузилманинг нормал фаолитига заар келтиради³.

Бу борада В.Л. Шульц ва бошқаларнинг фикрича, терроризм тўғрисида ёлғон хабар бериш жинояти терроризмнинг асосий таркибий қисми ва мақсади – қўрқувга солиш, руҳий тушкунлик ва ваҳима муҳитини яратишга хизмат қиласди⁴.

О.Н.Расщупкина ҳам ушбу жиноятнинг жамият учун хавфи шубҳасиздир, зоро, терроризм ҳақидаги ёлғон хабарлар: биринчидан, аҳоли ўртаси ваҳима ва қўрқувни келтириб чиқаради; иккинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари бундай қийинчиликларга дуч келиб, ўзфаолиятларидан чалғиб, каттакуч

ва ресурс сарфлайдилар; учинчидан, ушбу ёлғон хабар орқали ташкилотлар жиддий йўқотишларга (одамларни эвакуация қилиш билан боғлиқ харажатлар ва ҳ.к.) дуч келишади⁵.

Террорчилик ҳаракати тўғрисидаги хабарни олиш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ушбу фактни ҳақиқатга мослигини текшириш чораларини кўриш учун асос бўлганлиги сабабли, террорчилик ҳаракати тўғрисидаги қасдан ёлғон хабар бериш натижасида давлат органлари ва муассасалари, тижорат ва нотижорат ташкилотларнинг нормал фаолиятига путур етади, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг кучлари ва воситалари диққати бўлинади, давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари чалғииди.

Таассуфки, кўп ҳолларда шахслар, алкоголь ичимлиқ таъсирида ёки безорилик негизида ҳаракат қилиб, террорчилик ҳаракати тўғрисида қасдан нотўғри хабар бериш оқибатлари ҳақида ўйламайдилар. Кўпинча бундай ҳаракатлар юридик оқибат юзага келиш эҳтимолини англамаган ҳолда, шунингдек, алоқа шакли (ёзма, телефон, компьютер орқали) ва сабаблари (безорилик, шахсий, сиёсий ва бошқа) ушбу ҳаракатни малакалашда инобатга олинмаслигини тушунмаган ҳолда енгил-елпи қараш натижасида содир этилади.

Терроризм тўғрисида қасдан ёлғон хабар беришнинг моҳияти аҳолини қўрқитишида, давлатнинг терроризмга қарши курашиб қобилиятига нисбатан ишончсизликни келтириб чиқаришда, давлат муассасаларининг нормал иш

2. Игнатов А.Н. Уголовная ответственность за заведомо ложное сообщение об акте терроризма: совершение законодательной регламентации // Вестник Краснодарского Университета МВД России. – Краснодар, 2018. – №2(40). – С.7.
3. Игнатов А.Н. О террористическом характере заведомо ложного сообщения об акте терроризма // Гуманитарные, социально-экономические и общественные науки. – 2018. – № 5. – С.7.
4. Терроризм в современном мире. Монография / Ю.И. Авдеев и др. Под ред. В.Л.Шульца. – М.: Наука, 2010. – С. 297-298.
5. Расщупкина О.Н. Заведомо ложное сообщение об акте терроризма // Закон и право. – Москва, 2019. – №1. – С.91-92.



тартибини бузишда, тезкор ва терроризмга қарши тадбирларни амалга ошириш заруратини келтириб чиқаришда намоён бўлади. Шу билан биргаликда мазкур жиноятни содир этиш усули номаълум бўлган хатларни юбориш, одамларнинг оммавий яшайдиган жойларида шубҳали нарсалар вабуюмларни қасдан қолдириб кетиш билан боғлиқ ҳаракатларни қамраб олмайди, чунки ушбу ҳаракатларда ижтимоий хавфли оқибатларга олиб келадиган ҳаракатлар таҳди迪 тўғрисида ҳеч қандай хабар (маълумот) мавжуд эмас.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, кўплаб тадқиқотчилар терроризм тўғрисида ёлғон хабар бериш жинояти таркибига “сохта портловчи мосламалар ясамаси ёрдамида” содир этилган терроризм тўғрисида қасдан ёлғон хабар берганлик⁶, “террорчилик мақсадида ўлим, тан жароҳатлари, мулкка жиддий зиён етказиш хавфини туғдирадиган оммавий қирғин қуроллари, портлаш мосламалари ва бошқа қурилмалардан фойдаланишга тақлид қилиш”⁷ учун жавобгарликни ҳам киритишни таклиф этадилар. Яна бошқа тадқиқотчилар эса, терроризм тўғрисида қасдан ёлғон хабар бериш, шунингдек, портлаш, ўт қўйиш ёки ўлим хавфини туғдирадиган, мулкка жиддий зиён етказадиган ёки бошқа ижтимоий хавфли оқибатларга олиб келадиган бошқа ҳаракатлар билан таҳди қилганлик учун жавобгарликни белгилашни таклиф этадилар⁸.

В.И. Торговченковнинг ёзишича, террорчилик ҳаракати ҳақида ёлғон хабар бериш жиноятида хабар берилиши

6. Торговченков В.И. Уголовная ответственность за заведомо ложное сообщение об акте терроризма: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2013. – С.7-8.

7. Кошкина Д.А., Баскакова В.Е., Швецов Н.М. Перспективы развития законодательства, регулирующего институт уголовной ответственности за заведомо ложное сообщение об акте терроризма в Российской Федерации // Актуальные проблемы юриспруденции в современной России: сб. ст. по материалам VI Всерос. науч.-практ. конф. 2016. – С. 161.

8. Дробот С.А., Тишин Д.В. Некоторые вопросы квалификации и расследования заведомо ложного сообщения об акте терроризма // Вестн. Челябинск. гос. ун-та. Сер.: Право. – 2003. – Т. 9. № 2(6). – С.133.

9. Торговченков В.И. Объективная сторона заведомо ложного сообщения об акте терроризма // Вестник ТГУ. – 2012. – № 1(105). – С.259-261.

10. Кругликов Л.Л. Уголовное право России. Часть Особенная. – М., 2004. – С.441.

мумкин бўлган субъект сифатида мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай ташкилот, корхона ёки муассаса, давлат ҳокимияти ёки фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш, ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқалар бўлиши мумкин⁹.

Жиноят ҳукуқи фанида ва ҳукуқни қўллаш амалиётида хизмат вазифасига террорчилик ҳаракатининг олдини олиш чораларини кўриш кирмайдиган фуқаролар ушбу хабарнинг қабул қилувчиси бўлиши мумкини деган масала баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Хусусан, Л.Л.Кругликов бу борада терроризм ҳаракатининг олдини олиш чораларини кўриш учун қонуний мажбуриятга эга бўлмаган фуқаролар терроризм тўғрисидаги қасдан ёлғон хабарни олиши мумкин бўлган субъектлар доирасига кирмайдиган, деган фикрни асослантиради. Шу билан биргаликда, Л.Л.Кругликовнинг қайдэтисича, башарти фуқарода террорчилик ҳаракатининг олдини олишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширишдан бевосита манфаатдор бўлса (масалан, мактаб ўқувчisinинг ота-онасини мактабдаги портлаш тўғрисида хабардор қилиш), у бундай хабарни қабул қилувчиси мақомига эга бўлиши мумкин ва унга бундай хабарни юборган одам терроризм тўғрисида ёлғон хабар берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши керак¹⁰.

Аксинча, А.И.Чучаев эса, ушбу масалада бошқача нуқтаи назарни илгари суради. Унинг фикрига кўра, ёлғон



хабарларни қабул қилувчилар сифатида нафақат давлат ҳокимияти органлари ёки маҳаллий ҳокимият органлари, балки хабарда акс эттирилган ҳатти-ҳаракатлар манфаатларига бевосита таъсир қўрсатадиган муассасалар, корхоналар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари ва ходимлари ҳам бўлиши мумкин. Айни дамда А.И.Чучаев ёлғон хабар алоҳида жисмоний шахсга йўналтирилган бўлиши мумкинлигини ҳам истисно этмайди¹¹. А.В.Бриллиантов ҳам ёлғон маълумотлар ҳокимият органларига, ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахсга ёки уларнинг вакилларига етказилиши мумкин деб ҳисоблайди¹².

В.И.Торговченков ҳам терроризм ҳақида ёлғон хабар бериш жиноятида тегишли хабар нафақат давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари, балки мулкчилик шаклидан қатъий назар, муассасалар, ташкилотлар, шунингдек, фуқароларга ҳам етказилиши мумкин, зеро, мазкур ҳаракатларнинг пировард мақсади ҳам фуқароларга руҳий таъсир қўрсатишга қаратилган¹³.

А.Н.Игнатов таъкидлаганидек, терроризм тўғрисида атайлаб бериладиган ёлғон хабарлар кўпинча экстремистик ва террористик мотивларни очиқ-ойдин ифода этади. Бугунги кунда террорчилар ва экстремистлар жамиятда қўрқув, ваҳима ва беқарорлик мұхитини кучайтириш, шунингдек, хукумат кучлари ва воситаларини ҳақиқий ички нарсалардан чалғитиш мақсадида ҳам террористик таҳдидлар жойи, вақти ва хусусияти тўғрисида ёлғон маълумотлар беришади¹⁴.

Юқоридагилар асосида Жиноят

кодексини қўйидаги мазмундаги 155⁴-модда билан тўлдириш таклиф қилинади:

“155⁴-модда. Террорчилик ҳаракати тўғрисида қасдан ёлғон хабар бериш

Режалаштирилган портлаш, ўт қўйиш, ядровий портлаш мосламалари, радиоактив, кимёвий, биологик, портловчи, заҳарли, кучли таъсир қилувчи заҳарли моддаларнинг қўлланилиши ёки улардан фойдаланиш хавфи, шунингдек, транспорт воситалари ёки бошқа инфратузилма обьектларини йўқ қилиш, шикастлаш ёки эгаллаб олиш, номуайян шахслар доирасининг ҳаёти, соғлиғи ёки мулкига зарар етказиш, одамлар ўлими, мулкка жуда кўп миқдорда зиён етказиш ёки бошқа ижтимоий хавфли оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган тайёрланаётган ёки амалга оширилаётган ҳаракатлар тўғрисида қасдан ёлғон хабар бериш, –

Ушбу модданинг биринчи қисмida назарда тутилган ҳаракатлар:

а) тақроран;

б) портлаш, ўт қўйиш, ядровий портлаш мосламалари, радиоактив, кимёвий, биологик, портловчи, заҳарли, кучли таъсир қилувчи заҳарли моддаларнинг сохта ясамаларидан фойдаланган ҳолда;

в) аҳолини қўрқитиш, ҳокимият органлари ёки халқаро ташкилотларнинг фаолиятини беқарорлаштириш ёки уларнинг қарор қабул қилишига таъсир қилиш мақсадларида содир этилган бўлса, –

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар

11. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации (постатейный) / под ред. А.И. Чучаева. – М., 2010. – С.255.

12. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации (постатейный) / А.В. Бриллиантов, Г.Д. Долженкова, Я.Е. Иванова [и др.]; под ред. А.В. Бриллианта. – М., 2010. – С.342.

13. Торговченков В.И. Объективная сторона заведомо ложного сообщения об акте терроризма // Вестник ТГУ. – 2012. – № 1(105). – С. 263.

14. Игнатов А.Н. Уголовная ответственность за заведомо ложное сообщение об акте терроризма: совершенствование законодательной регламентации // Вестник Краснодарского Университета МВД России. – Краснодар, 2018. – №2(40). – С.7.



эҳтиётсизлик орқасидан одамнинг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келган бўлса, –”.

Изоҳ Ушбу моддада ижтимоий инфратузилма обьектлари деганда, соғлиқни сақлаш тизимидағи ташкилотлар, таълим, мактабгача таълим муассасалари, бўш вақтни ўтказиш ва ҳордиқ чиқариш хизматларини кўрсатиш билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар, хизмат кўрсатиш, йўловчилар ташиш транспорти, спорт ва дам олиш масканлари, юридик ва молиявий-кредит хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар тизими



тушунилади”.

Бундан ташқари, ўз фаолияти ошкор бўлмаслигига амин бўлган жиноятчилар давлатнинг барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимини синовдан ўтказадилар, террорчилик ҳаракати таҳди迪 тўғрисида хабар олинганидан сўнг турли маҳсус тузилмаларнинг фаолиятини таҳлил қиласидилар, ушбу хизматларнинг ходимлари нима, ва қандай кетма-кетликда ишлашини кузатадилар. Шу тарзда тўпланган маълумотлардан жиноятчилар томонидан келгусида ҳақиқий террорчилик ҳаракатини содир этиш учун шарт-шароитларни яратиша фойдаланиши мумкин¹⁵.

А.В.Лосяков РФ қонунчилиги таҳлилидан келиб чиқсан ҳолда, террорчилик ҳаракати тўғрисида қасдан ёлғон хабар бериш жинояти учун жавобгарликни кучайтириш зарурлигини таъкидлади. Муаллиф бу борада АҚШда мазкур тоифадаги жиноятлар учун узоқ муддатли озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазолар қўлланилишини ижобий тажриба сифатида кўрсатиб ўтади¹⁶.

Бизнинг фикримизча эса, терроризм билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарликни белгилаш ва кучайтиришни комплекс тарзда амалга ошириш, мазкур турдаги жиноятларнинг доирасини кенгайтириш ёки улар учун белгиланган жавобгарликни янада оғирлаштириш суд ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш, халқаро талабларни ҳисобга олиш асосида амалга оширилиши лозим. Шунингдек, терроризм билан боғлиқ жиноятлар учун жиноят-ҳуқуқий санкцияларни белгилашда чуқур ўйланган ҳолда ёндашиш зарур, зеро, улар қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини баҳолашнинг муҳим асоси бўлиб, шу турдаги бошқа жиноятлар учун жавобгарлик билан мутаносиб бўлиши зарур.

Ю.С.Белик бу борада жамоат хавфзислиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар билан янада самарали курашиб мақсадида терроризм тўғрисида қасдан ёлғон хабар бериш жиноятининг бундай жиноятларнинг умумийлигидан фарқлаш зарур бўлган белгилар тўғрисида Олий суд Пленумининг тушунтиришини бериш мақсадга мувофиқлигини қайд этади¹⁷.

15. Просочкин А.М., Петрашева Н.В. Усиление уголовной ответственности за заведомо ложное сообщение об акте терроризма: проблема конструирования уголовно-правовых санкций // Юристъ-Правоведъ. – 2019. – №1 (88). – С.86-87.

16. Лосяков А. В. Проблема «телефонного терроризма» в современной России и меры по его предупреждению // Ученые труды Российской академии адвокатуры и нотариата. – 2017. – № 4 (47). – С.69.

17. Белик Ю.С. Заведомо ложное сообщение об акте терроризма: анализ изменений законодательства и вопросы правоприменения // Вестник Уральского юридического института МВД России. – Ураль, 2018. – №4. – С.90-94.



В.И.Тюнин ва Т.А.Огарь¹⁸ мазкур жиноятдан кўзланган мақсад бу – ҳокимият органлари фаолиятини бекарорлаштириш эканлигини таъкидлайдилар.

Таъкидлаш лозимки, илмий адабиётларда “ҳокимият органлари фаолиятини бекарорлаштириш” масаласи жуда кам ўрганилган. Масалан, Л.Р.Габдрахмановнинг таъкидлашича, “бекарорлик” ҳокимият фаолиятини бекарорликка олиб келиш вазиятини англатади¹⁹. Ҳукуқни қўллаш амалиётида бу мақсад, айбор, ёлғон хабар бериш орқали тегишли давлат органи масъул шахсларига бевосита таъсир қиласди ҳамда мазкур органларнинг нормал фаолиятига зарар етказади.

А.В.Бриллиантовнинг таъкидлашича, терроризм тўғрисида қасддан ёлғон хабар бериш терроризм содир этиш билан таҳдид қилишдан таҳдиднинг ҳаққонийлигига қараб фарқланади²⁰: башарти, таҳдид ҳақиқий бўлиб, айбор уни амалга ошириш ниятида бўлган бўлса ва буни амалга ошириш учун зарур имкониятга эга бўлса, унда бу ҳаракат терроризм ҳисобланади²¹. Г.А.Есаков ушбу ёндашувга қарама-қарши нуқтаи назарни илгари суради, унинг фикрича, таҳдиднинг реал бўлганлиги ёки йўқлиги (яъни, таҳдидни амалга оширишга тайёргарлик қўриш учун аниқ ҳаракатлар қилинганми ва у умуман таҳдидни амалга ошириш ниятида бўлганми) жиноий-ҳукуқий аҳамиятга эга эмас. Олимнинг фикрига кўра, терроризмни ҳамда терроризм

тўғрисидаги қасддан ёлғон хабар беришни жиноят таркибининг мақсади элементидан келиб чиқиб фарқлаш зарур²².

Г.Л.Куликованинг ёзишича эса, терроризм тўғрисида қасддан ёлғон хабар бериш жинояти учун жавобгарликни дифференциация қилиш, шу жумладан, мазкур жиноят бир гурӯҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ёхуд шахс, ташкилот, давлат ва жамиятнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зиён етказган ҳолда содир этилганда, мазкур ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида киритишни таклиф қиласди²³.

Терроризм билан боғлиқ криминализация қилиниши лозим бўлган яна бир қилмиш бу – терроризмни оқлаш ва террористик ҳаракатлар содир этишга ундашdir.

Таъкидлаш лозимки, 2005 йил 16 майда Евropa Кенгashi томонидан қабул қилинган “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Конвенциянинг 5-моддаси биринчи қисмига биноан террорчилик жиноятини содир этишга ундаш мақсадида ҳар қандай мурожаатни оммага етказиш ёки бошқа тарзда тақдим этиш, башарти, шахснинг бундай хатти-ҳаракатлари террорчилик жиноятларини бевосита тарғиб қилиш ёки қилмасликдан қатъий назар, мазкур жиноятларнинг бир ёки бир нечтасини содир этиш хавфини түғдирса, “террорчилик жиноятини содир этишга оммавий ундаш” сифатида

18. Тюнин В.И., Огарь Т.А. Заведомо ложное сообщение об акте терроризма: новеллы законодательства // Научный вестник Омской академии МВД России № 1 (72), 2019 – С.3-6.

19. Габдрахманов Р.Л. Квалификация террористического акта по УК РФ // Российский следователь. – Москва, 2015. – № 4. – С.16.

20. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации: в 2 т. (постатейный) / А.В.Бриллиантов, Г.Д.Долженкова, Э.Н.Жевлаков и др.; под ред. А.В.Бриллиантона. 2-е изд. – М., 2015. Т. 2.

21. Балаябин В. Н. О некоторых вопросах квалификации преступления, предусмотренного статьей 207 УК РФ // Адвокатская практика. – Москва, 2017. – № 6. – С. 22-26.

22. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации (постатейный) / К.А.Барышева, Ю.В.Грачева, Г.А.Есаков и др.; под ред. Г.А.Есакова. 7-е изд., перераб. и доп. – М., 2017.

23. Куликова Г.Л. Заведомо ложное сообщение об акте терроризма: уголовно-правовое и криминологическое исследование: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: РПА МЮ РФ, 2004. – С.6.



баҳоланади²⁴.

Моҳиятан ушбу жиноят шахс томонидан террорчилик ҳаракатларини қўллаш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар, усууллар ва усуулларни ижобий баҳолаш, оқлаш ёки мақташга қаратилган ахборотни тарқатишни ўз ичига олади. Ушбу жиноий ҳаракатнинг объектив томони, шунингдек, содир этилган террорчилик ҳаракатини оммавий оқлашда, яъни уни тўғри ва зарур деб топишда ҳам намоён бўлиши мумкин. Шу билан бирга, ушбу ҳаракатлар оммавий равишда амалга оширилиши, яъни, бир киши буни бошқа шахслар иштироқида очиқ-ошкора тарзда амалга ошириши ҳамда одамлар ушбу маълумотларни олишлари ёки улар билан танишишларини хоҳлаб, шундай қилиши керак.

Ўзбек ҳуқуқшунос олимлари томонидан ҳам ушбу ҳаракатларни криминализация қилиш борасида ижобий фикрлар билдирилган. Хусусан, А.К.Закурлаев "Конституциявий тузумни зўрлик билан ағдаришга чорловчи даъватлар аниқ мақсадга қаратилган бўлади. Яъни, давлатни парчалаб юбориш,

мамлакатдаги мавжуд давлат тузумига барҳам бериб, уни бошқа бир тузум билан алмаштириш. Бу эса, ўз-ўзидан фуқаролар урушини, биродаркушликни келтириб чиқариб, умуман мамлакатни ҳалокатли оқибатларга олиб келади²⁵, деб ҳисоблайди. Шу билан бир қаторда Б.У.Таджихановнинг фикрича эса, одамларни оммавий тартибсизликлар келтириб чиқаришга даъват этувчи ва йиғилган тўданинг ғайриқонуний ҳаракатларига раҳбарлик қилувчи муайян шахс ёки шахсларнинг фаолияти алоҳида ижтимоий хавфга эгадир²⁶.

Латвиялик олим Эрикс Трэлс таъкидлаганидек, терроризмга ундаш жинояти (Латвия Республикаси ЖКК 79.6-моддаси) оғир жиноят ҳисобланади. Муаллифнинг фикрича, мазкур жиноятнинг объектив томони қўйидаги бир қатор муқобил ҳаракатларни ўз ичига олади: 1) терроризмни оммавий тарғиб қилиш; 2) терроризмни оммавий оқлаш; 3) жамоатчиликни терроризмга даъват қилиш; 4) терроризмни тараннум этувчи материалларни тарқатиш; 5) терроризмни оқловчи материаллар

24. Council of Europe Convention on the Prevention of Terrorism // Official Journal of the European Union, L159/3, 2005.

25. Закурлаев А.К. Терроризмга қарши курашнинг криминалистик жиҳатлари: Юрид. фан. докт. (DSc) ... дисс. – Тошкент: Ҳарбий-техник институт, 2018. – Б.18-19.

26. Таджиханов Б.У. Терроризмнинг ҳуқуқий тавсифи. –Т., 2006. –Б.34-35



тайёрлаш ва тарқатиш; 6) терроризмга даъватларни тарқатиш; 7) терроризм билан таҳдид қилиш, агар ушбу таҳдидларни амалга ошириш мумкинлигига асос бўлса. Мазкур муаллиф таъкидлаганидек, терроризм билан боғлиқ жиноятлар обьекти давлат ва халқаро хавфсизлиги ҳисобланади. Терроризм, шунингдек, инсон ҳаёти ва соғлиғига, мулкий манфаатларга, саноат тармоқлари, органлар ва ташкилотларнинг нормал ишлаши, умумий хавфсизлик ва жамоат тартибига ва бошқа манфаатларга таҳдид солади²⁷.

Айни дамда Н.Н. Василин ва Ф.М. Лучинкинлар жиноятларни содир этишда ўзига хос бўлган ҳаракатлар учун жавобгарликни назарда тутивчи алоҳида моддалар мавжудлиги мақсадга мувофиқлигини танқид қилади. Унинг ёзишича, террорчилик ҳаракатини амалга оширишга ундаш (даъват этиш) бўйича алоҳида моддада жавобгарлик белгилаш ноўрин, чунки ушбу қилмишни жиноят қонуни умумий қисмидаги иштирокчиликка оид нормалар билан малакалаш имконияти мавжуд²⁸. Бу борада П.В.Агапов ҳам жиноят қонуни умумий қисми моддаларидан фойдаланиб, ёллаш, террорчиларни тайёрлаш, терроризмни молиялаштириш каби жиноятлар учун жавобгарликка тортиш мумкин, янги қонунларнинг қабул қилиниши жиноятчиликка қарши кураш муаммосини ҳал этмайди²⁹, деб ёзади. Бироқ, бизнинг фикримизча, терроризм жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда, У билан боғлиқ бўлган жиноятлар учун

жавобгарликни алоҳида дифференциация қилган ҳолда тартибга солиш мақсадга мувофиқ.

В.О.Давидов ўз тадқиқотларида террорчилар томонидан зўрлиқ ишлатишни оқлашнинг учта моделини ажратиб кўрсатади. Биринчи модел террористларнинг “зўравонликка мурожаат қилишдан ўзга чоралари йўқлиги, бу кучсизларга ҳокимият, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва маҳсус хизматларнинг ҳаракатларига нисбатан жавоб беришнинг ягона усули сифатида талаб қилинадиган эҳтиёж” деган ғояга асосланади. Иккинчимоделушбу органлар ва хизматларнинг обрўсизлантириш, улар фаолиятига ноқонуний тус бериш орқали, террорчиларни ҳокимият томонидан одамларнинг ҳуқуқлари ва миллий (диний) қадр-қимматини бузилишига жавоб сифатида “ўз хоҳишларига қарши” зўравонликни ишлатаётган озодлик курашчилари сифатида кўрсатиш билан боғлиқ. Учинчи модел – бу террорчиларнинг ҳаракатлари зўравонлик белгиларига эга бўлган ёки бўлмаганлиги тўғрисидаги даъволарга асосланади³⁰.

Терроризмни оқлаш ва террористик ҳаракатлар содир этишга ундаш ҳаракатлароғзакиёкиёзмаравишаамалга оширилиши мумкин. Ушбу маълумот аудио ва видео материаллар, фотосуратлар, чизмалар ва белгилар ёрдамида тарқатилиши ҳам мумкин. Амалиётда кўп ҳолларда ушбу маълумотлар Интернет орқали тарқатилади. Терроризмни тарғиб қилишнинг асосий воситаси сифатида Интернетдан фойдаланиш бутун дунё давлатлари учун хос бўлган тенденциядир³¹.

27. Эрикс Трэлс. Ответственность за оправдание терроризма, прославление терроризма и призывы к терроризму в уголовном законе Латвийской Республики // De securitate et defensione. – 2018. – №2(4). – С.40.

28. Василин Н.Н., Лучинкин Ф.М. Уголовная ответственность за содействие террористическому акту по законодательству Украины и РФ: сравнительный анализ // Актуальные проблемы экономики и права. – Москва, 2013. – № 1. – С. 251-252.

29. Агапов П.В. Уголовная ответственность за вовлечение в совершение преступлений террористического характера или иное содействие их совершению: Учебно-практическое пособие. – Саратов: СЮИ МВД России, 2004. – С. 25.

30. Давыдов В.О. Методика расследования транснациональной преступной деятельности экстремистского характера. – М., 2018. – С. 81.

31. Пинкевич Т.В., Черных Е.Е. Публичные призывы к осуществлению террористической деятельности или



Бу борада Латвия Республикаси Конституциявий судининг судяси А.Кучс, БМТнинг Ирқий камситиши тугатиш қўмитасининг амалиётига мурожаат қилиб, мазкур жиной ҳаракатнинг объектив томонини аниқлаш учун ҳеч бўлмаганда ошкораликнинг энг қўйи даражасини белгилаш зарурлигини кўрсатади ва икки киши ўртасидаги суҳбатда айтилган гаплар оммавий тарғиб қилиш эмас, деган хulosага келади³². З.А.Шибзухов шунингдек, мурожаатлар доимо маълумотни жамоатчиликка етказиш, яъни маълумотни номуайян ва, қоида тариқасида, кенг доирага тарқатиш учун йўналтирилганлигини таъкидлайди³³.

Профессор А.Н.Тарбагайев ва Г.Л.Москалевлар эса, “мурожаат” тушунчасини “одамларнинг онги ва иродасига таъсир қиласиган мурожаат, уларнинг маълум бир тарзда ўзини тутиш истагини уйғотиш, мазкур ҳолатда эса, террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида мурожаат қилиш” деб изоҳладилар³⁴.

Профессор У.Крастинснинг таъкидлашича, терроризмга чақириқлар номуайян одамлар доирасига қаратилган бўлади³⁵. Ушбу ёндашув кўплаб олимлар (А.Тарбагаев, Г.Москалев, Т.Пинкевич, Э.Черних ва бошқалар) томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Шу билан бир қаторда, ушбу фикрга қарши чиқиб, В.П.Алексин,

“террористик фаолиятга ундаш ҳар доим ҳам аниқ бўлади, терроризмга тажовуз қилишнинг асл мақсади, шунингдек, уни амалга ошириш усуслари (портлаш, ўт қўйиш, қуролли ҳужум, заҳарли моддаларни тарқатиш) ва реал объектини кўрсатмасдан” умуман “террорчилик жинояти содир этишга ундаш мумкин эмас”³⁶, деди.

Шу билан бирга, ҳуқуқшунос олимлар А.Н.Тарбагаев ва Г.Л.Москалевларнинг фикрига кўра, ошкоралик (оммавийлик) белгиси – бу ноаниқ одамлар доирасига (аниқ субъектларга эмас) қилинган мурожаатdir. Ушбу маълумотларни қабул қилаётган шахсларнинг индивидуал хусусиятлари жиноятчини қизиқтирумайди. Бундан ташқари, бу ерда нафақат миқдорий, балки қабул қилувчиларнинг шахсий ноаниқлиги ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Масалан, жамоат жойларида, йиғилишларда, шунингдек электрон хабарларни оммавий тарқатганда, қабул қилувчиларнинг сони аниқ бўлиши мумкин. Бироқ, жиноятчи учун бу одамларнинг индивидуал хусусиятларининг аҳамияти бўлмайди, бу эса, уларнинг маълумотни тарқатишнинг тегишли усулини танлашини белгилайди³⁷.

Латвия Республикаси Конституциявий судининг судяси А.Кучснинг таъкидлашича, шахс терроризмни оқловчи ёки тарғиб қилувчи материалларнинг муаллифи бўлиши шарт

публичное оправдание терроризма: проблемы квалификации. // Юридическая наука и практика: Вестник Нижегородской академии МВД РФ. – 2014. – №3. – С. 141; Шуйский А.С. Ответственность за публичные призывы к осуществлению террористической деятельности или публичное оправдание терроризма. // Актуальные проблемы уголовного и уголовно-исправительного права: сборник научных статей. / Под ред. Э. Н. Жевлакова. – М., 2010. – С. 68-69.

32. Kučs A. Tiesu prakse krimināllietās par nacionālā, etniskā un rasu naida izraisīšanu. – Rīga, 2012. – L. 31.

33. Шибзухов З.А. Публичные призывы к осуществлению террористической деятельности или публичное оправдание терроризма. – М., 2014. – С. 18-19.

34. Тарбагаев А.Н., Москалев Г.Л. Публичные призывы к осуществлению террористической деятельности (ст. 205.2 УК РФ): проблемы уголовно-правовой регламентации и квалификации // Вестник Санкт-Петербургского университета. Серия 14. Право. – 2016. – №2. – С. 30.

35. Krastiņš U., Liholaja V. Krimināllikuma komentāri. Otrā daļa (IX-XVII nodaļa). – Rīga, 2016. – L. 76.

36. Алексин П. Соучастие в террористической деятельности. – М., 2009. – С. 109.

37. Тарбагаев А.Н., Москалев Г.Л. Публичные призывы к осуществлению террористической деятельности (ст. 205.2 УК РФ): проблемы уголовно-правовой регламентации и квалификации // Вестник Санкт-Петербургского университета. – Серия 14. Право. – 2016. – №2. – С. 33.

эмас, жиноятнинг объектив томони бошқа шахс томонидан ёзилган материалларни тарқатишда ҳам намоён бўлиши мумкин³⁸.

Жиноят ҳуқуқи назариясида олимлар орасида терроризмни оммавий равишида оқлашга, терроризмни тарғиб қилишга ёки терроризмга ундашга қаратилган материалларни тарқатишда иштирок этадиган одамларнинг роли тўғрисида баҳс-мунозаралар мавжуд. Хусусан, адабиётларда чақириқни (даъватни) ўз ичига олган маълумотнинг муаллифи ва уни тарқатувчиси бошқа шахслар бўлган тақдирда мазкур муаммони ҳал қилишда муайян қийинчиликларга сабаб бўлиши мумкин.

Масалан, А.Тарбагаев ва Г.Москалев кўриб чиқилаётган жиноий ҳаракатнинг ижроиси деб фақат чақириқ ёки даъватларни тарқатувчи шахсларни тан олишни таклиф қилади .

Баъзи бир муаллифлар (П.В.Агапов, З.А.Шибзухов) эса, ушбу ҳолатда мазкур шахсларни жиноятда иштирокчи сифатида

тан олишни таклиф қилмоқдалар, бошқа тадқиқотчилар (А.Н.Тарбагаев, Г.Л.Москалев) фақат маълумот тарқатган шахсни ижрочи сифатида тан оладилар ҳамда унинг муаллифини ёрдамчи сифатида жиноий таъқиб этишни таклиф этадилар. Бу борада З.А.Шибзухов таъқидлаганидек, терроризмни тарғиб қилувчи матнни яратиш ушбу жиноятнинг объектив томонининг биринчи босқичи, тарқатиш эса, иккинчи босқичи сифатида намоён бўлади . Хулоса қилиб айтганда, мазкур жиноят ҳаракати оммавий равишида содир этилганлигини тан олиш учун камида икки кишидан иборат тингловчилар бўлиши талаб қилинади.

Мухтасар қилиб айтганда, терроризм билан боғлиқ жиноятларни дифференциация қилиш натижасида ушбу жиноятларга қарши самарали курашиб имконияти туғилади ҳамда шу орқали террористик ҳаракатларнинг олди олиниши таъминланади.



38. Kučs A. Tiesu prakse kriminālīetās par nacionālā, etniskā un rasu naida izraisīšanu. – Rīga, 2012. – L. 31.



ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ШАХС ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЗАРУРИЯТИ



Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган изчил ислоҳотлар натижасида шахсни асоссиз ушлаб туриш ёки қамоқда сақлаш, унинг ҳимояга бўлган ҳуқуқларини чеклаш, тергов ва суд ишларини юртишда сансалорликка йўл қўйиш каби ҳолатларга асосан барҳам берилмоқда.

Бироқ, ушбу ҳолатлар жиноят процессида инсон ҳуқуқлари ҳар жиҳатдан таъминланди, бу борадаги барча камчиликлар бартараф этилди дегани эмас, албатта.

Масалан, 2020 йилда “Мадад” муассасаса шаклидаги нодавлат нотижоратташкilotининг жойлардаги ҳуқуқий маслаҳат бюроларига келиб тушган жами 74.377 та мурожаатнинг 10.053 таси ёки 13,5 фоизи айнан суд-ҳуқуқ масалаларига тааллуқли ҳанлиги, ушбу соҳада ҳали муайян

Тошбоев Раҳимқул Шойимович
ҳуқуқшунос

муаммолар мавжудлиги, уларни тадқиқ этиб, ўрганиш ва натижалари бўйича амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигининг айрим нормаларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Биринчи масала бу қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги суднинг ажрими устидан шикоят бериш тартибини янада такомиллаштириш лозимлигидир.

Маълумки, шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги прокурор илтимосномаси суд томонидан ўша шахснинг бевосита иштирокида кўриб чиқилиши шарт (айбланувчига нисбатан қидирув эълон қилинган ҳоллар бундан мустасно).

ЖПКнинг 241-моддаси иккинчи қисмига кўра, суриштирув ёки дастлабки тергов босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини



Кўллаш ҳақидаги суднинг ажрими устидан мазкур ажрим чиқарилган вақтдан эътиборан етмиш икки соат ичida апелляция тартибида шикоят берилиши, протест билдирилиши мумкин.

Мазкур қонун нормасининг мазмуни қамоқقا олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини кўллаш ҳақидаги суднинг ажрими шахснинг бевосита иштирокида ёки унинг иштирокисиз (сиртдан) чиқарилган бўлсада, суд қарори устидан гумон қилинувчи, айланувчи, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили томонидан етмиш икки соат ичida апелляция тартибида шикоят берилиши мумкинлигини англатади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 4 апрелдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати

билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига асосан ЖПКнинг 241-моддаси тўртинчи қисм билан тўлдирилган бўлиб, унга кўра сиртдан қамоқقا олиш тарзидаги эҳтиёт чораси кўлланилган шахс мазкур эҳтиёт чорасини кўллаш тўғрисидаги ажрим устидан у тегишли ваколатли органга келтирилган пайтдан эътиборан етмиш икки соат ичida суд тартибида шикоят қилишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Юқорида баён қилинган ҳолатларни таҳлил қиласиган бўлсан, агар қидирув эълон қилинган шахсга нисбатан қамоқقا олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини кўллаш масаласи сиртдан кўрилган тақдирда, унинг ҳимоячиси ушбу ажрим устидан белгиланган муддатда апелляция тартибида шикоят беришга ҳақли ёки йўқлиги аниқ кўрсатилмаган.

Бу эса, амалиётда қидирув





эълон қилинган шахс қачонки ушланиб, тегишли ваколатли органга келтирилганидан кейингина ўзи ёки ҳимоячиси етмиш икки соат ичидан суд ажрими устидан шикоят қилишига йўл қўйилади деган баҳсли мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги “Судга қадар иш юритиш босқичида қамоқقا олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги 16-сонли қарорида ушбу масала юзасидан судларга аниқ тушунтириш берилмаган.

Бу каби ҳолатлар суд амалиётида ҳуқуқни қўллаш борасида айrim тушунмовчиликларни юзага келтириши билан бирга, қидирудаги шахснинг ўз ихтиёри билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга келишига, бундай шахслар сонининг камайишига ҳамда бу борада бюджет маблағларининг тежалишига эришишга тўсқинлик қилиши мумкин.

Мисол учун қидирудаги шахсларни топиш ва ушлаш, уларни хорижий давлатлардан Ўзбекистонга экстрадиция қилиш давлат бюджетидан жуда кўп миқдорда маблағ сарфланишини талаб қиласди.

Хусусан, “Ҳуқуқ” газетасининг 2019 йил 13 июнь сонида эълон қилинган маълумотларга кўра, 2015-2018 йилларда чет элларда ушланган 1457 нафар қидирудаги шахсни Ўзбекистонга экстрадиция қилиш учун давлат бюджетидан 30 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланган.

Шахс ҳуқуқлари ҳимоясини янада такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш

борасидаги мавжуд муаммони бартараф этиш мақсадида ЖПКнинг 241-моддаси тўртинчи қисмини: “Агар суднинг шахсга нисбатан қамоқقا олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги сиртдан чиқарган ажрими устидан унинг ҳимоячиси ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган муддатда шикоят қилмаган бўлса, қидиув давомида ушланган шахс мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ажрим устидан у тегишли ваколатли органга келтирилган пайтдан эътиборан етмиш икки соат ичидан суд тартибида шикоят қилишга ҳақли” деган таҳрирда баён қилиш таклиф этилади.

Иккинчи масала бу – судда жиноят ишини судланувчининг иштирокисиз муҳокама қилиш давомида ҳимоячининг иштирокини таъминлаш шартлигидир.

Маълумки, ЖПКнинг 410-моддасига кўра, ишнинг судланувчи иштирокисиз муҳокама қилинишига судланувчи Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарида бўлган ва судга келишдан бўйин товлаган, унинг йўқлиги иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга монелик қилмаган тақдирдагина ёхуд у суд мажлисида тартиби бузгани, раислик қилувчининг фармойишларига бўйсунмагани ёки судни беҳурмат қилгани учун суд мажлиси залидан чиқариб юборилган тақдирда йўл қўйилиши мумкин.

Бироқ, жиноят ишларини юритишда ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолатлар рўйхати келтирилган ЖПКнинг 51-моддасида жиноят иши судланувчининг иштирокисиз судда муҳокама



Қилингандай ҳимоячининг иштироки шартлиги назарда тутилмаган.

Ушбу ҳолат эса, суд муҳокамасида бевосита иштирок этмаган судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқлари жиддий тарзда чекланишига олиб келади. Шу сабабли, ЖПКнинг 51-моддаси биринчи қисмини қўйидаги мазмундаги 81-банд билан тўлдириш таклиф этилади:

“81) ушбу Кодекснинг 410-моддаси тартибида иш судланувчининг иштирокисиз муҳокама қилиниши давомида;”

Шубҳасиз, юқорида таклиф этилган бу қўшимча шахснинг ҳимояга бўлган ҳуқуқларини тўла таъминлашнинг муҳим кафолати сифатида хизмат қиласди.

Учинчи масала бу – жиноят ишини судда муҳокама қилиш давомида шахсни қамоқда ёки уй қамоғида сақлаш муддатларини белгилашдир.

Амалдаги ЖПКнинг 245-моддасига кўра, жиноятлар тергов қилинаётганда шахсни қамоқда сақлаб турish ёки уй қамоғининг муддати кўпи билан уч ойни ташкил этади ҳамда ушбу муддат тегишли тартибида етти ойгача узайтирилиши мумкин ва уни бошқа узайтиришга йўл қўйилмайди.

Ушбу муддатлар фақатгина дастлабки тергов босқичига тааллуқли бўлиб, амалдаги ЖПКда жиноят ишини судда муҳокама қилиш давомида шахсни қамоқда ёки уй қамоғида сақлаш муддатларини белгилаш ва уларни узайтириш тартиби назарда тутилмаган.

Ушбу ҳуқуқий бўшлиқ суд амалиётида судланувчи ёки унинг

ҳимоячиси томонидан шахс асосиз равишда қамоқда ёки уй қамоғида сақлаб турилгани тўғрисидаги ҳақли эътиrozларига сабаб бўлмоқда.

Маълумки, ЖПКнинг 405-моддасига кўра, жиноят ишини судда муҳокама қилиш муддати ишни муҳокама қилиш бошланган кундан эътиборан икки ой этиб белгиланган. Заруриятга қараб, бу муддат тегишли тартибида олти ойгача узайтирилиши мумкин.

Дастлабки тергов босқичида қўлланилган қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг муддати ўтиб кетган бўлишига қарамасдан, шахс суд муҳокамаси босқичида қандай процессуал ҳужжат асосида қамоқда ёки уй қамоғида қанча муддатга қадар сақланиши мумкинлиги аниқ белгиланмагани боис унинг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқлари чекланишига олиб келади.

Таҳлилларга қараганда, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Украина каби давлатлар жиноят-процессуал қонунчилигида ушбу масала аниқ тартибида солинган.

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлаш мақсадида, амалдаги ЖПКда жиноят ишини судда муҳокама қилиш давомида шахсни қамоқда ёки уй қамоғида сақлаш муддатларини ҳамда уни узайтириш тартибини аниқ белгилаш таклиф этилади.

Бугунги кунда ЖПКнинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилаётгани муносабати билан, юқорида билдирилган таклифлар инобатга олинса мақсадга мувофиқ бўлади.



БОЖХОНА ОРГАНЛАРИ СУРИШТИРУВИГА ТААЛЛУҚЛИ ЖИНОЯТЛАР: ТАҲЛИЛ ВА МУЛОҲАЗАЛАР



Шомирзаев Саходулла
Хасанбоевич

Давлат божхона қўмитасининг
Божхона институти
“Махсус-ҳуқуқий фанлар”
кафедраси бошлиғи,
божхона хизмати подполковниги

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлариiga ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан миллий қонунчилигимизда судга қадар иш юритишнинг суриштирув шакли жорий этилди.

Ўзбекистон Республикасида суриштирув тушунчаси жиноят процессуал қонунчилиги талабларидан келиб чиқиб, оғир ва ўта оғир турдаги жиноятлар тоифасига кирмайдиган айрим турдаги жиноятлар бўйича терговнинг қисқа муддатли иш юритиш шаклини, шунингдек кечиқтириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари ўтказиладиган жиноий процессуал фаолиятга нисбатан ишлатилади. Суриштирув ҳозирда МДҲ, Шарқий Европа, Ҳиндихитой ва Яқин Шарқ минтақаларининг айрим давлатларида судгача тергов ўтказишнинг шакли сифатида сақланиб қолган .

Юқорида қайд этилган қонун билан Жиноят-процессуал кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга

биноан, суриштирув Ўзбекистонда ҳам жиноят ишини тергов қилишнинг мустақил шаклига айланди, яъни бир қатор жиноятлар бўйича жиноят ишлари дастлабки терговга юборилмасдан, суриштирув шаклидаги тергов ўтказиш орқали судга юборилади. Ҳозирги кунда Жиноят кодексида мавжуд 154 та таркибдан иборат ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларнинг 98 таси бўйича судгача иш юритишнинг ана шундай соддалаштирилган тартиби жорий этилган. Суриштирув шаклида тергов ўтказиш Россия Федерациясида 93 та, Қозоғистонда 120 та, Беларусда 36 та жиноят таркиблари бўйича амалга оширилади . Натижада илгари барча жиноят ишлари бўйича мажбурий бўлган дастлабки тергов энди фақат алоҳида жиноят таркиблари бўйича мажбурий тартибда амалга ошириладиган бўлди. Суриштирув кўринишидаги тергов муддати бир ой қилиб белгиланган бўлиб, жиноят иши айблов далолатномаси билан прокурорга ва кейинчалик тасдиқлаган ҳолда судга юбориш билан тамомланади.

Жиноят-процессуал кодексининг 38-моддасига кўра, суриштирув ички ишлар органлари, Бош прокуратура



хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Мажбурий ижро бюроси, Миллий гвардия ҳамда Давлат божхона қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари суриштирувчилари томонидан олиб борилади. Яъни божхона органларига ҳам суриштирув шаклида тергов қилиш ваколати берилган.

Жиноят-процессуал кодексининг 381²-моддасига кўра, Давлат божхона қўмитаси ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан Жиноят кодексининг 130-моддаси (Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш) биринчи ва иккинчи қисмлари, 130¹-моддаси (Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш), 184-моддаси (Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш) биринчи ва иккинчи қисмлари, 244³-моддаси (Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш), 244⁴-моддаси (Учувчисиз учадиган аппаратларни қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлашёки улардан фойдаланиш) биринчи қисми ҳамда 250¹-моддаси (Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи) биринчи қисмida назарда тутилган божхона тўғрисидаги қонунхўжжатларини бузиш билан боғлиқ жиноятларга доир ишлар бўйича суриштирув шаклидаги тергов ҳаракатлари ўтказиш ваколати берилган.

Шу билан бирга, Жиноят кодексининг 167-моддаси (Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш) биринчи қисмida назарда тутилган жиноят бўйича, агар божхона органи томонидан иш қўзғатилган бўлса, унга доир ишлар бўйича суриштирув ҳам божхона органи томонидан олиб борилади.

Бундан ташқари, Жиноят кодексининг 237-моддаси (Ёлғон хабар бериш) биринчи қисмida, 238-моддаси (Ёлғон гувоҳлик бериш) биринчи ва иккинчи қисмларида, 239 (Суриштирув ёки

дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш) ва 240-моддаларида (Жиноят процессини юритиш қатнашчиларининг ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаши) назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича суриштирув ушбу иш қўзғатилишига сабаб бўлган жиноят, агар божхона органининг терговига тегишли бўлган тақдирда, ушбу орган томонидан олиб борилиши ўрнатилган.

Демак, божхона органлари томонидан, асосан, б турдаги жами эса 11 турдаги жиноятлар юзасидан суриштирув шаклидаги тергов ҳаракатларини олиб боришлари мумкин. Аммо мазкур жиноятларнинг жуда ҳам кам аниқланаётгандиги божхона органларининг жиноятларни суриштирув шаклида тергов қилиш амалиёти сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда, жиноят ишлари юзасидан суриштирув ўтказиш ишларини мунтазам ташкил этилишига тўсқинлик қилмоқда. Бу турдаги жиноятларнинг кам аниқланиши ёки аниқланмаётгандиги бўйича ҳам ўзига хос сабаблари бор. Хусусан, божхона органлари суриштирувига таалуқли жиноятларнинг асосий қисми жиноий иш қўзғатиш учун маъмурий преюдицияни талаб қиласи, яъни шахснинг муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилганлигига боғлиқ. Ушбу йўналишдаги маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларни жавобгарликка тортиш ҳолларининг камлиги ҳам бир неча омилларга бориб тақалади. Мисол учун, божхона органлари томонидан аниқланган порнографик маҳсулотни олиб кириш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар амалиётда жуда кўп ҳолларда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 271-моддаси тартибида тугатилиб келинмоқда, бошқа ҳуқуқбузарликлар эса миллий менталитет ҳамда ҳуқуқий ташвиқот ишлари ортидан фуқаролар томонидан содир этилиши камайиб кетган. Пиротехника буюмларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликларни эса "мавсумий" деб таърифлаш мумкин.



Аммо божхона органлари фаолиятида ҳар хил товарлар билан боғлиқ бўлган, Жиноят кодексининг турли моддалари билан малакаланадиган жиноятлар аниқланади ва суриштирувчилар томонидан терговга қадар текширув босқичида жиноят иши қўзғатилиб, тўплланган иш ҳужжатлари тегишлилигига кўра юборилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, божхона органлари суриштирув органи сифатида божхона чегараси орқали ноқонуний олиб ўтиш билан боғлиқ ҳар қандай жиноят юзасидан судга қадар иш юритиш борасида истиқлол йилларида етарли тажриба ва салоҳиятга эга бўлди. Шу билан бирга, Жиноят кодексининг божхона органлари суриштирувига тааллуқли бўлмаган, лекин божхона ходимлари томонидан аниқланаби, божхона чегараси орқали айрим товарларнинг ноқонуний ҳаракати ёки шахсларнинг ноқонуний фаолияти билан боғлиқ жиноятлар юзасидан божхона чегарасида аниқланганлиги сабабли ҳам божхона органлари ҳар томонлама ва пухта тергов ҳаракатларини ташкил эта оладилар.

Бундай турдаги жиноятларни ҳам бир неча гурухларда санаб ўтиш мумкин:

Биринчидан, бевосита божхона қонун ҳужжатларини бузишига оид жиноятлар, яъни Жиноят кодексининг 182-моддасида ("Божхона қонун ҳужжатларини бузиш") ва 246-моддасида ("Контрабанда") назарда тутилган жиноятлар;

Иккинчидан, муайян турдаги товарлар юзасидан амалга ошириладиган ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар билан боғлиқ жиноятлар. Бунда жиноят айни бир турдаги товарларнинг божхона чегарасидан ноқонуний олиб ўтилиши, муомалага киритилиши, сақланиши ва бошқа ҳаракатлар орқали содир этилади. Божхона соҳасида ушлаб қолинаётган товарларнинг турларига қараб, бу турдаги жиноятларга Жиноят кодексининг 159-моддасида (республика конституциявий тузумига тажовуз қилувчи материаллар билан боғлиқ), 176-178-моддаларида (қалбаки пул, акциз маркаси ёки қимматли қофозлар, валюта қимматликлари билан боғлиқ), 185¹-моддасида (рангли металлар билан боғлиқ), 186-186³-моддаларида (хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарлар, этил спирти, алкоголли маҳсулотлар, тамаки маҳсулотлари, чигитдан олинадиган маҳсулотлар, сифатсиз ёки қалбакилаштирилган






дори воситалари ёхуд тиббий буюмлар билан боғлиқ), 247-248-моддаларида (ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмалари билан боғлиқ), 251-251¹-моддаларида (кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар билан боғлиқ), 255¹-моддасида (бактериологик, кимёвий ва бошқа хил ялпи қирғин қуроллари билан боғлиқ), 270-276-моддаларида (гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан боғлиқ), 202-моддасида (ҳайвонот ёки ўсимлик дунёси билан боғлиқ) назарда тутилган жиноятлар. Божхона органларининг суриштирувигата аллуқли бўлган, яъни порнографик маҳсулотлар, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотлар, диний мазмундаги материаллар, учувчисиз уладиган аппаратлар ҳамда пиротехника буюмлари билан боғлиқ жиноятлар ҳам шу гуруҳдаги жиноятлар жумласидандир.

Учинчидан, товарлар билан боғлиқ шахсларнинг ноқонуний фаолияти ва бошқа ҳаракатлари билан боғлиқ жиноятлар. Бунга Жиноят кодексининг 188-190-моддаларида (ноқонуний тадбиркорлик фаолияти, пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мulkни жалб этишга доир ноқонуний фаолият, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш, фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш кабилар), 223-моддасида (қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш), 228-моддасида (хужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш) назарда тутилган жиноятларни киритиш мумкин.

Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш ёки шу билан боғлиқ бўлган жиноятлар ҳам божхона текширувлари жараёнида аниқланмоқда, хусусан, ЖКнинг 168-моддаси (фирибгарлик) ҳамда 171-моддаси (жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш) билан божхона органлари томонидан қўзғатилган жиноят ишлари мавжуд. Бундан ташқари, божхона органлари томонидан олиб қўйилган товарлар бўйича бошқа турдаги жиноятлар аниқланиши мумкин.



Тўртинчидан, Жиноят кодексининг 205-214-моддаларида қайд этилган бошқарув тартибига қарши жиноятлар бўйича ҳам, агар божхона ходимлари фаолиятига дахлдор бўлмаган ҳолларда, тегишли тергов ҳаракатларини олиб бориш ваколатини бериш мақсадга мувофиқ.

Чунончи, халқаро тажрибада божхона органлари томонидан жиноятларни тергов қилиш амалиёти кўплаб давлатларда мавжуд. Масалан, АҚШда икки турдаги божхона хизмати мавжуд бўлиб, улардан Иммиграция ва божхона хизмати (ICE-Immigration Customs Enforcement) тергов соҳасида жуда катта ваколатларга эга орган ҳисобланади. Жумладан, Иммиграция ва божхона хизмати оммавий қирғин қуролларини тарқатиш, терроризм, одам савдоси ва контрабандаси, қурол-яроғ контрабандаси, наркотик моддалар савдоси ва контрабандаси, хужжатлар ва даромадлар фирибгарлиги, соҳта иммиграция ва шахсни тасдиқловчи хужжатларни тайёрлаш, фойдаланиш ва сотиш, инсон ҳуқуқлари бузилиши, трансмиллий уюшган жиноий фаолият, пул ювиш ва иирик миқдордаги валюта контрабандаси каби молиявий жиноятлар, кибержиноят, секс-туризм ва болалар эксплуатацияси, тижорат фирибгарлиги ва интеллектуал мулк ўғирлиги каби савдо жиноятлари, контрафакт дори воситалари ва бошқа тиббиёт буюмлари контрабандаси, оммавий маркетинг фирибгарлиги, санъат ўғирлиги, виза хавфсизлиги, халқаро маданият ва антиквариатга оид



жиноятлар кабиларнинг терговини амалга оширади ва бу бўйича мамлакат Миллий хавфсизлик котибига ҳисобот беради.

Европа Иттифоқининг аксар давлатлари жиноят-процессуал қонунчилиги бўйича божхона органларига тергов қилиш ваколати берилган, чунки уларда суриштирув институтининг ўзи мавжуд эмас. Мисол учун, ҳозирда Европа Иттифоқининг аъзо мамлакатларидан бири бўлган Латвия Республикасида божхона идоралари Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат даромадлари хизмати таркибида бўлиб, унинг Солиқ ва божхона полицияси деб номланувчи тузилмаси Латвия жиноят-процессуал қонунчилигига кўра, 11 та тергов органларидан бири ҳисобланади. У солиқ, божхона ва молия соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар юзасидан жиноят ишини қўзғатиш, гумонланувчини ушлаш, ушлаб туриш, барча зарур тергов ҳаракатларини олиб бориш ва ишни судга юбориш ваколатларига эга. Солиқ ва божхона полициясининг республика бўйича учта ҳудудий тузилмаси бўлиб, уларга божхона идораларида аниқланган жиноят аломатлари бор барча ҳуқуқбузарлик ҳолатлари юзасидан хабар берилиши ва тўпланган ҳужжатлар ўз вақтида тақдим этилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси божхона

органларига суриштирув органи сифатида ваколат берилганлиги МДХ доирасидаги айрим давлатлар божхона органларининг мазкур йўналишидаги фаолиятига мувофиқ келади. Хатто ушбу давлатлар қонунчилигига қиёслаганда, ўзбек божхона органлари суриштирувига таалукли жиноят турларининг сони бўйича нисбатан кўпроқни ташкил қиласди. Бунга Россия Федерацияси ва Озарбайжон Республикаси божхона органларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини мисол қилиб келтириш мумкин. Хусусан, Россия Федерациясида божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш ҳамда нақд пул воситалари контрабандаси жиноятлари бўйича (Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 194 ва 200¹-моддалари) божхона органлари суриштирувчилари томонидан тергов шаклидаги суриштирув ўтказилади. Озарбайжонда эса божхона органлари Озарбайжон Республикаси Жиноят кодексининг 207-моддаси (Озарбайжон Республикаси ҳудудига бадиий, тарихий ва археологик бойликларни қайтармаслик) ҳамда 209-моддасида (Божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш) кўрсатилган жиноятлар бўйича суриштирув шаклида, яъни судгача соддалаштирилган





кўринишдаги тергов ўтказадилар .

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бевосита божхона қоидаларини бузиш билан боғлиқ бўлган "Божхона қонун ҳужжатларини бузиш" (ЖК 182-модда) ва "Контрабанда" (ЖК 246-модда) жиноятларини малакалаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги 18-сон қарорида Жиноят кодексининг бошқа моддалари билан қўшимча тарзда малакалаш кераклиги кўрсатилган. Жумладан, унда товарларни қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказиш қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш билан боғлиқ тарзда содир этилса, шахснинг бундай ҳаракатлари ЖК 182 ва 223-моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи билан, божхона чегарасини бузиб ўтиш пайтида айборд томонидан шахс баданига қасдан оғир шикаст етказилган ёки у қасдан ўлдирилган бўлса, қилмиш ЖК 182-моддаси иккинчи қисмининг "б" банди ва тегишлича ЖКнинг 97 ёки 104-моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи бўйича, шунингдек, агар шахс контрабанда жиноятини содир этиш билан бир қаторда контрабанда ашёларининг ноқонуний муомаласи билан бошқа жиноятларни (ЖКнинг 247, 248, 273-моддалари ва ҳ.к.ларни) содир этса, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи билан квалификация қилиниши лозимлиги акс этган. Бу эса ўз навбатида божхона органларининг терговга қадар текширув фаолиятида ўзаро турдош бўлган жиноятларнинг аниқланиши мумкинлигидан далолат беради. Божхона органларининг терговга қадар текширув босқичида Жиноят кодексининг кўплаб моддларида назарда тутилган жиноятлар билан тўқнаш келиши ҳам суриштирувга тааллуқли жиноятлар доирасини янада кенгайтириш учун яна бир далил вазифасини ўтайди.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, божхона органларининг суриштирувига тааллуқли жиноятлар сонини кўпайтириш ёки божхона органларига тергов органи мақомини



бериш мазкур жиноятлар бўйича ўтказиладиган жиноятлар бўйича тергов сифатини пасайишига эмас, аксинча, ошишига хизмат қилади. Чунки бошқа айрим суриштирув ёки тергов органларининг фаолиятида аниқланиш доираси кенг бўлган жиноятлар сони ҳамда жиноят ишининг тергов қилиш ҳажми катта бўлганлиги сабабли терговчиларнинг иш ҳажми ортиб кетган. Шу билан бирга, Жиноят кодексининг ҳар қандай моддаси билан малакаланадиган, божхона чегараси орқали товарларнинг олиб ўтилиши билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш нафақат божхона органлари суриштирувчилари учун қийинчиллик туғдирмайди, балки бундай жиноятларнинг олдини олиш, уларни содир этилишига чек қўйиш ишлари кучаяди.

Ушбу йўналишда жиноят-процессуал қонунчилигига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги "Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6041-сон Фармонида назарда тутилган вазифалар, хусусан, жиноят ишларини тергов қилиш фаолиятини халқаро стандартлар ва илфор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда яхшилаш, қонун устуворлиги ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларини рўёбга чиқариш, жиноят-процессуал қонунчилигини янада такомиллаштириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади, деб ўйлайман.



НЕПРИКОСНОВЕННОСТЬ И ЗАЩИЩЕННОСТЬ СЛЕДОВАТЕЛЯ, КАК ГАРАНТИИ ЗАКОННОСТИ ПРЕДВАРИТЕЛЬНОГО РАССЛЕДОВАНИЯ



История становления независимого, суверенного государства Республики Узбекистан проходила неоднократные испытания, которые отразились как во внешнем давлении на государство, так во внутренних разногласиях, в том числе и в правоохранительной сфере. Данная проблема особым образом отразилась на предварительном расследовании системы Министерства внутренних дел Республики Узбекистан.

Так, например, законодателем был предусмотрен особый статус неприкосновенности только для представителей самих законодателей, представителей судебной, и отдельно взятых направлений исполнительной власти. При этом представители остальной части исполнительной власти, на долю которых приходит не малый процент обязательств, как представители правоохранительных органов были защищены от возможных коррупционных натисков не полностью. На основании Конституции и законов Республики Узбекистан, депутаты, суди и прокуроры обеспечиваются правом неприкосновенности, либо субъекты, которым предоставлено право

Файзуллахонов Шукурулла
Хабибулла угли
Старший следователь
Следственного департамента при
МВД
Республики Узбекистан,
подполковник

возбуждения в отношении них уголовных дел, ограничен.

Конституция Республики Узбекистан, а именно статья 88 Главы XVIII гласит: «Депутат Законодательной палаты и член Сената Олий Мажлиса (Парламент) Республики Узбекистан пользуются правом неприкосновенности. Они не могут быть привлечены к уголовной ответственности, задержаны, заключены под стражу или подвергнуты мерам административного взыскания, налагаемого в судебном порядке, без согласия соответственно Законодательной палаты или Сената». Это означает, что для возбуждения уголовного дела в отношении депутата Парламента Республики Узбекистан, генеральный прокурор Республики Узбекистан (соответственно и прокурор Республики Каракалпакстан) должны ходатайствовать и предоставить сведения (первичные доказательства) Парламенту (Законодательной палате или Сенату). После ходатайств, путем голосования, сами депутаты решают вопрос о снятии депутатской неприкосновенности. Только после данной процедуры Генеральный прокурор получает возможность



возбудить уголовное дело.

Что касается самих прокуроров, то они пользуются правой на защиту, то есть неприкосновенностью. Так, в Законе Республики Узбекистан «О прокуратуре» не только проведение предварительного расследования, но и право возбуждения уголовного дела в отношении прокуроров, и прокурорских работников (дознавателей и следователей) является исключительно компетенцией органов прокуратуры. Данное право неприкосновенности четко указано и закреплено в статье 49 вышеназванного законодательного акта. Нельзя не указать и на то, что предоставленная привилегия дает повод задуматься о справедливости. Вряд ли руководитель органа правосудия может допустить рост возбуждения уголовных дел в отношении лиц (своих подчиненных), которые по закону должны обеспечивать законность (не говоря о привлечении к уголовной ответственности), когда как он имеет непосредственное право регулирования данного вопроса.

Таким образом, можно с уверенностью утверждать, что когда вопрос касается защиты прав представителей самих правоохранительных органов, то отбор кадров в них осуществить менее проблематично, нежели в органах внутренних дел.

На подобном этапе защищенность, обеспеченная в неполной мере, как и в социально-экономической, так и в правовых сферах, может привести к «плачевным» последствиям. Может появиться опасность зарождения почвы для коррупционных взаимоотношений.

С принятием и вступлением в силу уголовного и уголовно-процессуального законодательства Республики Узбекистан (Уголовный Кодекс и Уголовно-процессуальный Кодекс Республики Узбекистан были приняты 22 сентября 1994 года, вступили в силу 01.04.1995 года), был определен правовой статус следователя в уголовном судопроизводстве. Прошедший с того времени исторический период показал, что первичных правил недостаточно.

Улучшения требовал статус самого следователя, а не то, что он имеет право принимать те, или иные решения по уголовному делу. Возникла необходимость обеспечить его неприкосновенностью.

Для обеспечения данного принципа, перед законодателем встало несколько задач, в числе которых: изучить опыт развитых государств по этому вопросу, особенно тех, в которых остро стоял данный вопрос; каким образом данные государства шли к решению возникающих проблем.

Так, для решения рассматриваемых задач, изучался опыт развитых государств в области обеспечения правосудия, таких, например, как Российская Федерация, Германия, Турция и другие.

В данном контексте законодательные акты Российской Федерации более совершенны, чем, например, нормативно-правовые акты Республики Узбекистан. Одно выделение в отдельный раздел (Раздел XVII. Особенности производства по уголовным делам в отношении отдельных категорий лиц) в Уголовно-процессуальном кодексе Российской Федерации следователей в отдельную категорию наравне с другими представителями ветви власти, показывает более высокий уровень защищенности самих следователей.

Указанный раздел включает в себя 52 главу под названием «Особенности производства по уголовным делам в отношении отдельных категорий лиц». Она содержит такие процессуальные действия как: особый порядок производства (для определенной категории лиц) по уголовным делам (статья 447); возбуждение уголовного дела (статья 448); задержание (статья 449); особенности избрания меры пресечения и производства отдельных следственных действий (статья 450); особенности производства обыска, осмотра и выемки в отношении адвоката (статья 450.1.) и направление уголовного дела в суд (статья 451).

Особенно хотелось бы отметить тот факт, что законодатель Российской



Федерации ставит следователя, не разделяя их на категории зависимости от того, в каком из правоохранительных органов они служат, на один уровень. Кроме этого, следователь выделен в категорию лиц государства, с такими представителями, как член Совета Федерации, депутат Государственной службы и др.

Несомненно, данный факт способствует обеспечению социальной защищенности следователя, что может положительно повлиять на штатную укомплектованность данной немаловажной должности. Кадровые службы должны уметь правильно использовать данные нормы при отборе кандидатов на должность следователя. Работа с кадрами в органах внутренних дел это сложный и многогранный процесс. Например, можно фиксировать факты обеспечения защищенности следователя от разного вида внешних воздействий с помощью средств массовой информации или медиаслужб МВД, которые в определенное время можно транслировать по радио, телевидению и интернет каналам в целях агитации для набора или отбора новых, более достойных кандидатов на должность.

Исходя из вышеуказанных оснований, можно утверждать, что

должность следователя более защищена на государственном уровне в системе МВД Российской Федерации, чем в аналогичной структуре Республики Узбекистан.

Как считает А.И.Сытин, исследовавший проблемы законодательной регламентации производства по уголовному делу в отношении следователей: «Формально установленный в законе порядок возбуждения уголовного дела в отношении всех следователей – равный. На самом деле это не так.

Если для следователей, не относящихся по ведомству к органам СК РФ, такой порядок исключает возможное воздействие со стороны непосредственного руководства в виде уголовного преследования, то в отношении следователей органов СК РФ дело обстоит иначе.

В соответствии с ч. 1 ст. 29 Федерального закона от 28 декабря 2010 г. № 403 ФЗ «О Следственном комитете Российской Федерации» проверка сообщения о совершенном сотрудником органов следственного комитета преступлении, возбуждение в отношении него уголовного дела (за исключением случаев, когда он застигнут при совершении преступления)





и производство расследования являются исключительной компетенцией следственных органов Следственного комитета. Поэтому вопрос о возбуждении уголовного дела в отношении следователей следственных органов СК РФ принимается их руководителями.

Данное обстоятельство не исключает возможных проявлений необъективности, обусловленной тем, что между руководителями и подчиненными могут складываться в процессе их совместной службы конфликтные отношения. В таких случаях вполне ожидаемы неблагоприятные условия для следователя, в отношении которого решается вопрос о возбуждении уголовного дела. Нельзя исключать иного рода необъективности. В отдельных случаях руководители следственных органов СК РФ по субъекту Российской Федерации, исходя из ведомственных интересов, не всегда заинтересованы в обнародовании фактов преступного поведения своих сотрудников. Словом, отнесение к подследственности органов Следственного комитета РФ уголовных дел в отношении собственных сотрудников – следователей не кажется столь безупречным».

К схожим выводам пришла и И.С. Тафинцева, которая исследовала порядок возбуждения уголовного дела в отношении следователя как специального субъекта. Она замечает: «К сожалению, практика показывает, что в настоящее время возросло количество уголовных дел против следователей, в отношении которых уголовно-процессуальным законодательством установлен особый порядок производства по уголовным делам».

Тафинцева И.С. также, рассуждая по вышеуказанной тематике, приводит следующий пример: «Например, если возбуждено уголовное дело не в отношении следователя МВД, а в отношении следователя Следственного комитета, то на практике не представляется целесообразным возбуждение уголовного дела

в отношении последнего руководителем следственного органа Следственного комитета.

Такой порядок не кажется безупречным, поскольку решение о возбуждении уголовного дела в отношении следователя принимается, во-первых, в самой системе следственной власти, во-вторых, лидирующая роль отдается руководителям органов Следственного комитета Российской Федерации.

В связи с реформой, которая была проведена в Российской Федерации в 2007 году, Следственный комитет России был отделен от Генеральной прокуратуры. После этого прокурорские работники стали осуществлять надзор за соблюдением законности, не обладая правом самостоятельного возбуждения уголовных дел».

По своему опыту (думаю основная часть следственных работников согласятся со мной) могу добавить, что правильное и обоснованное возбуждение, нежели поспешное принятие решений по возбуждению уголовного дела, открывает путь к дальнейшему принятию обоснованного решения по делу. Известны такие факты, когда, возбудив уголовное дело по событиям, вызвавшим резонанс в обществе, в процессе расследования уголовного дела, не возможно было установить факт совершения преступления, по результатам которого приходилось принимать решение о прекращении уголовного дела (иногда даже по реабилитирующими основаниям).

Рассмотрим данный опыт подробнее. Российская Федерация в области неприкосновенности органов предварительного расследования показывает, что на основании Федерального закона «О статусе члена Совета Федерации и статусе депутата Государственной Думы Федерального собрания Российской Федерации» установлено, что члены Совета Федерации, депутат Государственной Думы обладают неприкосновенностью в течении всего срока своих полномочий,



и что без согласия соответствующей палаты Федерального Собрания Российской Федерации, не могут быть привлечены к уголовной и административной ответственности. Закон также регулирует порядок и требования к процессуальному действию, указывая соответствующие сроки и порядок.

Что касается основного органа Российской Федерации, занимающегося надзором за законностью, то есть прокуроров, то на основании ч. 1. ст. 42 Федерального закона «О прокуратуре Российской Федерации», проверка сообщения о факте правонарушения, совершенного прокурором, является исключительной компетенцией органов прокуратуры. Кроме этого, на основании закона, проверка сообщения о преступлении, совершенном прокурором, возбуждение в отношении прокурора уголовного дела (за исключением случаев, когда прокурор застигнут при совершении преступления) и его предварительное расследование производятся Следственным комитетом Российской Федерации в порядке, установленном уголовно-процессуальным законодательством Российской Федерации.

Несмотря на то, что пока на территории Республики Узбекистан нет такого отдельного института (органа) как Следственный комитет, стоит рассмотреть законные требования к рассматриваемому вопросу. Так в ч. 1 ст. 29 Федерального закона «О Следственном комитете Российской Федерации» установлено, что проверка сообщения о совершенном сотрудником Следственного комитета преступлении, возбуждение в отношении его уголовного дела (за исключением случаев, когда он застигнут при совершении преступления) и производство расследования являются исключительной компетенцией следственных органов Следственного комитета. Изучая данный порядок и основания ведения дела в отношении следователей, невольно наводит на схожую модель, возможную и в отношении прокуроров.

Возвращаясь к законодательным актам Республики Узбекистан, стоит отметить, что принятие закона за № ЗРУ-407 «Об органах внутренних дел», этап организации работ по укомплектованию не только следственных подразделений, но и органов внутренних дел в целом перешел на новый уровень. Особенно хочется отметить, что благодаря внесенному дополнению в данный нормативный акт, Законом Республики Узбекистан за № 3 РУ-542 «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан, связанные с обеспечением защиты прав участников уголовного процесса», введена новая статья, которая напрямую связана с темой авторского исследования и данной публикации, и названа как «неприкосновенность сотрудников следственных подразделений органов внутренних дел», которая регулируется следующим образом, а именно: уголовные дела в отношении дознавателей, следователей и руководителей следственных подразделений органов внутренних дел возбуждаются прокурором Республики Каракалпакстан, прокурорами города Ташкента, областей и приравненным к ним прокурорами, а в отношении следователей, руководителей подразделений и начальника Следственного департамента при Министерстве внутренних дел Республики Узбекистан – Генеральным прокурором Республики Узбекистан либо его заместителями (ст. 341).

Таким образом, сотрудники следственных подразделений защищены в некотором смысле от произвола местных руководителей районного уровня и имеют возможность пользоваться независимостью, указанной в уголовно-процессуальном кодексе Республики Узбекистан. До внесения вышеуказанного изменения, прокуроры и другие руководители местного уровня имели формальную возможность (исключать которое было невозможно) оказывать давление на принятие решений следователем, или его руководителем.



В связи с затронутой проблематикой может возникнуть закономерный вопрос «Как это связано с проблемой комплектации правоохранительных органов?», на что, как мы полагаем, можно ответить следующим образом. При выборе профессии многие кандидаты будут смотреть на то, каким образом работодателем обеспечивается их защита от всяческих вмешательств. Если даже кандидат не обращает на этот факт внимания при выборе профессии следователя, то столкнувшись с данной проблемой уже будучи следователем, вряд ли он (она) захочет продолжить службу?!

Изучая международный опыт по осуществлению гарантии неприкосновенности государственных служащих в области правоохранительной деятельности и избранных представителей законотворческой власти, можно прийти к выводу, что внеся некоторые изменения в нормативные правовые акты, и указав, что существует государственные гарантии, при этом же нельзя достоверно утверждать, что они полностью обеспечены.

Данный шаг можно оценивать только как первый шаг к осуществлению принципа неприкосновенности. Следующая цель – это определение самого процесса возбуждения уголовного, административного дела, привлечения в качестве обвиняемого, избрании меры пресечения, передачи дела в суд подсудности и так далее.

При этом, не стоит забывать о равенстве всех правоохранительных органов, что позволит обеспечить общий контроль, один из видов самоконтроля. Так, на основании Закона Республики Узбекистан от 24.12.2019 года ЗРУ-597 «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с совершенствованием деятельности отдельных государственных органов», начиная с 25.12.2019 года сотрудники прокуратуры и сотрудники Службы государственной безопасности будут привлекаться за совершенное правонарушение по Кодексу об административных правонарушениях на общих основаниях, а не так как это было ранее. То есть, не будет требоваться согласование непосредственных руководителей соответственно для решения вопроса об ответственности. Обеспечение принципа неизбежности надлежащей ответственности за совершенное общественно опасное деяние (административное правонарушение) в данном сегменте власти, играет не малую роль в правовой жизни республики.

Конечно, обеспечивая неприкосновенность представителей правоохранительных органов, нельзя исключать возможность появления чувства безнаказанности, о котором нужно следить полемизировать отдельно.





МАХСУС ЖИҲОЗЛАНГАН ТЕРГОВ ХОНАЛАРИДА ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСЛАР ИШТИРОКИДА ТАНИБ ОЛИШ УЧУН КҮРСАТИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИ ҮТКАЗИШГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР



Мамлакатимизда суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилган тизимли ислоҳотлар натижасида жиноятлар ва бошқа хуқуқбузарликлар профилактикаси, фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян натижаларга эришилди.

Мазкур йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелда қабул қилинган "Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ 2898-сонли Қарорида жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида заруратга кўра айrim тергов ҳаракатларини ўтказиш учун аудио-ва видео қайд этиш ускуналари билан жиҳозланган маҳсус хоналарни ташкил этиш бўйича масъул давлат органларига вазифалар қўйилди.

Бугунги кунда ушбу қарор

Алланазаров Ойбек Давранович
ИИВ Академияси Ўқув
жараёнини ташкил этиш ва
мувофиқлаштириш
бошқармаси бошлиги
ўринбосари,
подполковник

талабларидан келиб чиқиб, ИИВ хузуридаги Тергов Департаментида ва унинг қуий тизимидаги бўлинмаларининг бир қисмida маҳсус жиҳозланган тергов хоналари ташкил этилди. Ушбу хоналарда, асосан, сўроқ қилиш, юзлаштириш ва таниб олиш учун курсатиш каби тергов ҳаракатлари ўтказиб келинмоқда.

Жиноятларни тергов қилиш жараёнида маҳсус жиҳозланган тергов хоналарининг имкониятларидан кенроқ фойдаланилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 127-моддаси янги қисм билан тўлдирилиб, унга кўра таниб олувчининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шахсни таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини таниб олинувчининг кўриб туриши истисно этиладиган шароитларда ўтказилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Вояга етмаган процесс иштирокчиларига нисбатан руҳий



босим ўтказилишининг олдини олиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида улар иштирокидагитани болиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатларининг айримларини юқорида қайд этилган шаклда ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу турдаги таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказиш жойи ва шаклини белгилашда вояга етмаганларнинг ёши, жинси, шахсига хос хусусиятлари ва процессаул мақоми, ақлий ривожланганлик даражаси, зеҳни, диққати ва ташқи оламни идрок қилиш даражаси инобатга олиниши зарур.

Вояга етмаган гумон қилинувчи бошқа процесс иштирокчиларига таниб олиш учун кўрсатилаётган ёки ушбу тергов ҳаракати иккита вояга етмаган процесс иштирокчилари ўртасида ўтказилаётганда, таниб олиш учун кўрсатиш умумий тартибда ўтказилиши мумкин. Агарда таниб оловчи шахс вояга етмаган бўлса ҳамда тергов ҳаракатини ўтказишга тайёргарлик кўриш жараёнида

унда қўрқув, ҳадик ёки ўзига нисбатан ишончсизлик белгилари сезилиб турган бўлса, у ҳолда таниб олиш учун кўрсатиш махсус жиҳозланган тергов хоналарида ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида иштирокчилар бир-бирини кўриб туришини истисно этадиган шароитларда амалга ошириладиган таниб олиш учун кўрсатишни айнан махсус жиҳозланган тергов хоналарида ўтказилиши қайд этилмаган. “Таниб олинувчининг таниб оловчини кўриб туриши истисно этадиган шароитлар” эса турлича бўлиши мумкин. Жумладан, Н.М.Қўшаев ва Ш.Ф.Файзиевлар таниб олиш учун кўрсатишни бундай шароитларда амалга ошириш учун бир томонлама кўринадиган ойна орқали, таниб оловчи турган жойни қоронғи ҳолатга келтириш ва таниб олинувчи турган жойнинг ёруғлик даражасини кучайтириш йўли билан амалга ошириш мумкинлигини баён этишган. Н.Н.Ильин





эса, таниб олувчининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида таниб олинувчининг ҳаракатлари акс этган видеотасвирдан фойдаланган ҳолда ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш таклифини илгари сурган.

Юқорида қайд этилган махсус жиҳозланган тергов хоналари бир томонлама кўринадиган ойна билан жиҳозланган бўлиб, у ерда таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини унинг иштирокчилари бир-бирини кўриб туришини истисно этадиган шароитларда ўтказиш учун зарур шароитлар яратилган. Бундай хоналар ташкил этилмаган ҳудудлардаги тергов бўлинмаларида эса, таниб олувчи турган жойни қоронғи ҳолатга келтириш ва таниб олинувчи турган жойнинг ёруғлик даражасини кучайтириш йўли билан ушбу тергов ҳаракатини амалга ошириш процессуал тартибга зид бўлмайди.

Бизнинг фикримизча, Н.Н.Ильин томонидан илгари сурилган видеотасвирдан фойдаланган ҳолда таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказиш бир оз муаммоли масала

ҳисобланади. Биринчидан, таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини бу шаклда ўтказиш бўйича амалдаги қонунчиликда бирон-бир тартиб белгиланмаган. Иккинчидан, ушбу шаклда ўтказиладиган таниб олиш учун кўрсатишда таниб олинувчи шахснинг ўзи иштирок этмаганлиги сабабли уни иштирокчилар бир-бирини кўриб туришини истисно этадиган шароитларда ўтказиладиган таниб олиш сифатида баҳолаб бўлмайди. Шу сабабли таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини видеотасвирдан фойдаланган ҳолда ўтказилиши мақсадга мувофиқ эмас.

Вояга етмаган шахслар иштирокида ўтказиладиган таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини махсус жиҳозланган тергов хоналарида амалга оширишда ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш бўйича умумий тактик қоидаларга риоя қилиниши зарур. Бу борада Т.Б.Маматқулов, Ш.Х.Хасановлар шахсни таниб олиш учун кўрсатишда ҳаракатлар тактик жиҳатдан қуйидаги кетма-кетликда бажарилишини тавсия этишган:





1)холисларни таклиф этиш, уларнинг хуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш;

2)статистларни таклиф этиш, уларнинг хуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш;

3)таниб олинувчи шахсни таклиф этиш, унга хуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш ҳамда бошқа иштирокчилар орасидан исталган жойни танлаб олишни таклиф этиш;

4)таниб оловчини таклиф этиш, унга тергов ҳаракатининг мақсади ва тартиби, хуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, агарда у гувоҳ ёки жабрланувчи бўлса кўрсатув беришдан бош тортиш ёки билатуриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантириш;

5)таниб оловчига кўрсатилаётган шахсларни кузатиб, улар орасидан биронтасини таниши, агар таниса, қайси бирини ва қандай сабабларга кўра таниши ҳақида кўрсатув беришни таклиф этиш;

б)таниб олинган шахсга ўзининг

фамилияси, исми-шарифини айтишини таклиф этиш;

7)таниб оловчи ва таниб олинган шахсдан бир-бирларига саволлари бор-йўқлиги ҳақида сўраш;

8)тергов ҳаракати иштирокчиларидан таниб олиш учун кўрсатиш жараёни бўйича фикрлари, қўшимча ва эътиrozлари бор-йўқлигини сўраш;

9)таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини баённомада қайд этиш.

Ушбу тергов ҳаракатини маҳсус жиҳозланган тергов хоналарида ўтказища мазкур ҳаракатларнинг барчаси амалга оширилади. Бироқ улар бошқачароқ тартибда ва кетма-кетликда бажарилади. Жумладан,

- таниб олиш учун кўрсатиш иккита хонада амалга оширилади (таниб оловчи ва холислар бир хонада, таниб олинувчи ва статистлар бошқа хонада бўлишади);

- тергов ҳаракати иштирокчиларининг хуқуқ ва мажбуриятлари бир вақтда ва бир жойда эмас, кетма-кетлик билан





турли жойларда тушунтирилади;

- тергов ҳаракати натижаларини видеөёзувга қайд этиш ҳар иккала хонада алоҳида-алоҳида техник воситалар ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Вояга етмаган шахс иштирокидаги таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини маҳсус жиҳозланган тергов хоналарида ўтказишга тайёргарлик кўришда сўроқ қилиш тергов ҳаракати ўтказилиши ҳамда таниб олинувчининг ташқи қиёфа белгилари ҳақида аниқлаштирувчи саволларни бериш орқали кўпроқ маълумотлар олиниши лозим. Айрим ҳолларда вояга етмаган шахслар атрофдаги ҳолатларни синчковлик билан кузатмаслиги, ҳаётий тажрибаси камлиги ва сўз бойлиги етишмаслиги каби шахсий хусусиятлар таъсирида сўроқ даврида муайян шахсни кўрса таний олишини, бироқ унинг алоҳида белгиларини тасвирлаб бера олмаслигини баён қилишади. Чунки,

қилмиш тафсилотлари ва шахслар ҳақидағи маълумотларни қисқа вақт ичida унтиш – вояга етмаганларга хос бўлган хусусиятлардан бири ҳисобланади.

Агарда вояга етмаган процесс иштирокчиси таниб олиш учун кўрсатилиши мўлжалланган шахснинг ташқи кўриниши ва алоҳида белгиларини унта бошлаган бўлса, маҳсус жиҳозланган тергов хонасидаги қорайтирилган ойна орқали таниб олиши янада қийинлашиши мумкин.

Л.Ф.Иванова ва Д.С.Ивановларнинг таъкидлашича, инсон хотирасининг хусусияти турлича бўлиб, гарчи шахс муайян шахсни тўлиқ ҳажмда эслай олса-да, унинг ташқи қиёфа белгилари тўғрисидаги айрим саволларга (масалан, бошининг шакли, юздаги аъзоларнинг тузилиши ва жойлашиши) жавоб беришга қийналиши мумкин.

Бундай вазиятларда таниб олиш учун кўрсатишдан олдин вояга етмаган





шахсни сўроқ қилишда оғзаки портрет усулидан фойдаланган ҳолда, ундан таниб олинувчи шахснинг ўзига хос белгилари бўйича кўпроқ маълумот олиш мумкин. X.А.Асатрян ва С.Д.Такайшвилилар қайд этишганидек, таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати натижаларининг ишончли бўлиши учун таниб олинувчининг оғзаки портретини тузиш ва шу мақсадда ишга ушбу соҳа мутахассисларини жалб этиш мақсадга мувофиқ.

Ушбу тергов ҳаракатини ўтказиша ҳал қилиниши лозим бўлган тактик хусусиятга эга бўлган вазифалардан яна бири – таниб оловчи ва таниб олинувчиларнинг тергов ҳаракати бошлангунига қадар бир-бирлари билан кўришиб қолишларига йўл қўймаслик чораларини кўришдир. Бу борада М.А.Асташов таниб оловчи шахс таниб олинувчи билан учрашиб қолишининг олдини олиш мақсадида, уларнинг тергов ҳаракати бошлангунига қадар бўлган вақтдаги жойлашувини тўғри танлаш лозимлигини баён қилган. Бунинг учун дастлаб ушбу иштирокчиларни тергов ҳаракатлари ўтказиладиган бинога турли вақтларда чақиртириш, тергов ҳаракати бошланганидан кейин таниб оловчини хонага чақиртиришда ёрдамчи ходимлар ва техник воситалардан фойдаланиш каби вазифаларнинг тўғри ҳал этилган бўлиши мақсадга мувофиқ.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, махсус жиҳозланган хоналарда вояга етмаганлар иштирокида таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказишгатайёргарлик кўриш уни ўтказиш ва натижаларини расмийлашириш масалаларида қуйидаги хulosаларга келинди:

1. Вояга етмаганлар иштирокида таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказиш жойи ва шаклини белгилашда уларнинг шахсига хос хусусиятлар ва процессуал мақоми инобатга олиниши зарур.

2. Махсус жиҳозланган тергов хоналари ташкил этилмаган ҳудудлардаги тергов бўлинмаларида вояга етмаган шахслар иштирокидаги таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини таниб оловчи турган жойни қоронғи ҳолатга келтириш ва таниб олинувчи турган жойнинг ёруғлик даражасини кучайтириш йўли билан амалга ошириш мумкин.

3. Вояга етмаган шахс сўроқ давомида таниб олинувчининг ташки қиёфа белгилари тўғрисидаги айрим саволларга жавоб беришга қийналган вазиятларда таниб олинувчининг оғзаки портретини тузиш ва шу мақсадда ишга ушбу соҳа мутахассисларини жалб этиш мақсадга мувофиқ.

4. Таниб оловчи ва таниб олинувчиларнинг тергов ҳаракати бошлангунига қадар бир-бирлари билан кўришиб қолишларига йўл қўймаслик мақсадида иштирокчиларни тергов ҳаракатлари ўтказиладиган бинога турли вақтларда чақиртириш, уларни хонага чақиртиришда ёрдамчи ходимлар ёки техник воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ШАФФОФЛИК ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ ЎРНИ, БУ БОРАДА ЮРТИМИЗДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИЖОБИЙ ИСЛОҲОТЛАР



Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда энг асосий вазифалардан бири – шаффофликни таъминлаш ва жамоатчилик назоратини самарали йўлга қўйишга оид ҳуқуқий ва институционал асослар яратишdir.

Қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, уларнинг ижро этилиши жараёнида, умуман давлатнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётида фуқароларнинг фаол иштироки, шубҳасиз, самарадорликни янада оширади.

Очиқлик-ошкоралик бўлмаган жойда эса, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоатчилик олдида ҳисобдорлигини таъминлаш ёки жамоатчилик назоратини амалга ошириб бўлмайди.

Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, давлат органлари фаолиятининг шаффофлиги ҳамда жамоатчилик назорати институтлари коррупцияга қарши курашишда бир-бирига узвий боғлиқ ҳамда бир-бирини тўлдириб

Хўжаев Миршод Фатулло ўғли Коррупцияга қарши курашиш агентлиги Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқaro ҳамкорлик бўйими инспектори, Бош прокуратура академияси мустақил изланувчisi (PhD), 3-даражали юрист

турувчи муҳим воситалар ҳисобланади.

Ушбу воситалар коррупциянинг оқибатлари билан эмас, балки унга шарт-шароит яратиб берадиган сабаблари билан курашиш ҳамда узоқ муддатга мўлжалланган самарали натижага эришиш мумкин бўлади.

Сўнгги йилларда бу борада юртимизда бир қатор ижобий ислоҳотлар амалга оширилди.

Аввалинбор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан қабул қилинган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да Ўзбекистонда давлат ҳокимиюти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манбаатларига оид ахборотни тақдим этишининг замонавий шаклларини жорий қилиш зарурати белгилаб берилди.



Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат қилиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш учун шароитлар яратилиб, халқ билан узлуксиз мулоқот ва инсон манфаатлари учун хизмат қилиш, барча даражадаги раҳбарлар учун нафақат мажбурият, балки ҳаётй тамойилга айланиб бормоқда.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишнинг тизими тубдан такомиллаштирилиб, Президент халқ қабулхонаси, "ишонч телефони" ҳамда "виртуал қабулхонаси" шунингдек, ҳар бир вазирлик ва давлат идораларининг "ишонч телефонлари" ҳамда "виртуал қабулхоналари" ишга тушди. Фуқароларнинг ҳуқуқларини тиклаш устувор вазифа сифатида белгиланиб, барча даражадаги давлат раҳбарларининг "сайёр қабуллари"ни ўтказиш амалиёти қўлланилмоқда.

Рақамли ва онлайн технологияларнинг кенг қўлланилиши давлат органларининг жамоат олдида ҳисобдорлигини ошириди. Ер участкалари ва давлат активларини, шунингдек, автотранспорт воситалари учун давлат рақам белгиларини онлайн аукционда реализация қилиш тизими йўлга қўйилди ҳамда доимий такомиллаштирилиб борилмоқда.

Давлат харидлар тўғрисида маълумотлар d.xarid.uz сайти орқали жойлаштириб борилмоқда. Очиқ маълумотлар портали (data.gov.uz), юридик шахслар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳисобга қўйилган маълумотлари базаси (my.gov.uz) ва бошқа платформалар бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишнинг энг самарали инструментлари бўлган очиқлик ва шаффофлик ҳамда

жамоатчилик назорати принципини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

"Жамоатчилик назорати" тўғрисида Қонун қабул қилиниб, жамоатчилик назорати билан боғлиқ тартиб-таомиллар тартибга солинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3837-сонли Қарори билан давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолияти йўлга қўйилди.

Олиб борилаётган ислоҳотлар нафақат юртимизда, балки халқаро ҳамжамиядда ҳам ижобий баҳоланмоқда. Бунга яққол мисол сифатида "Transparency International" халқаро ташкилотининг коррупцияни қабул қилиш индексида Ўзбекистон Республикаси 2020 йилда 153-ўриндан 146-ўринга кўтарилганлигини эътироф этишимиз мумкин. Ушбу рейтингда Ўзбекистон натижаси 2017 йилдан бўён барқарор ўсиб бормоқда (22 баллдан 26 баллга).

Шунингдек, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш борасида амалга оширилган ислоҳотлар халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилиб, БМТ томонидан тузилган "Очиқ давлат маълумотлари индекси"да 41-ўринни ҳамда "Open data watch"нинг "Очиқ маълумотлар инвентари"да (open data inventory) 44-ўринни (Ўрта Осиёда энг яхши) эгаллаган.

Аммо бу натижани етарли деб айтолмаймиз ва бу борада коррупцияга қарши курашиш бўйича чораларни янада жадаллаштиришимиз лозим бўлади.



"Transparency international" 2020 йилги ҳисоботида Ўзбекистонни миңтақанинг тез суръатларда яхшиланиб бораётган давлатлари қаторида эътироф этди.

"Қандай қўпол бўлмасин, бу жамиятимиздаги ҳақиқат: Ўзбекистонда коррупцияни йўқ қила олмаяпмиз". – Ш.М.Мирзиёев

Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро стандартларда ҳамда халқаро ташкилотлар ва эксперталарнинг хулоса ва тавсияларида очиқлик ва шаффофлик ҳамда жамоатчилик назоратини таъминлаш принципиал аҳамиятга эга эканлиги белгиланган.

Жўмладан, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 13-моддасида коррупцияга қарши курашишда жамоат иштирокитўғрисидан нормалар белгиланган бўлиб, ҳар бир иштирокчи давлатнинг ўз имкониятлари доирасида ва ўз ички

қонунчилигининг асосий тамойиллари га мувофиқ аҳолини қарорларни қабул қилиш жараёнларига жалб қилишга кўмаклашиши ва унинг ошкоралигини ошириш ҳамда аҳоли учун ахборотга эга бўлишинг самарали имкониятларини таъминлаши белгиланган.

Мазкур Конвенциянинг 37-моддасида коррупция билан боғлиқ жиноятлар ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантириш чораларини кўриш белгиланган.

Ушбу соҳада коррупцияга қарши курашиш ва коррупциянинг олдини олиш бўйичабирқаторхалқароташкилотларнинг ("Open contracting partnership¹" "GIACC²") тавсияларида, асосан очиқлик ва шаффофлик, жамоатчилик назорати

1. "Open contracting partnership" дастурининг расмий сайти. "The Open Contracting Data Standard model". 2020. URL:<https://www.open-contracting.org/data-standard/>

2. "Curbingcorruption" ташкилотининг расмий сайти. "Transnational construction initiatives". 2020. URL: <https://curbingcorruption.com/sector/construction/>



ва одоб-ахлоқ кодекслари ҳақида сўз юритилади. Мазкур принциплар тизимдаги коррупцияни олдини олиш учун энг минимал талаблар сифатида кўрсатилган.

Европа Иттифоқининг ягона очик маълумотлар портали "data.europa.eu" веб-сайтида 13 та тармоқ бўйича 15 мингдан ортиқ турдаги очик маълумотлар бериб борилади. Жумладан, бюджет шаффоғлигини ошириш ва бу борада рақобатни васифатли жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида давлат бюджетидан ажратиладиган субсидиялар, уларнинг суммаси, бенефициарлари, мақсади ва бошқа маълумотлар доимий эълон қилиб борилади.

Ёки, "Transparency international" ташкилоти томонидан давлат харидларини олиб борадиган ҳар қандай орган ёки ташкилотлар жамоатчилик вакилларига харид жараёнининг барча босқичлари, шу жумладан тузилган ҳужжатлар билан тўлиқ танишиб чиқишлиари учун очик маълумот сифатида жойлаштириши ҳамда харид жараёнида мустақил нодавлат ташкилотлари ҳамда жамоатчилик вакилларининг қатнашишини ҳамда улар томонидан мониторинг ўтказилишини рағбатлантириш тавсия этилган.

Шунингдек, Ҳиндистонда бошланиб, бугунги кунда бутун дунёга кенг тарқалиб бораётган "I paid bribe" лойиҳаси ўзида мамлакатда ҳудудлар ва тармоқлар кесимида давлат хизматчилари томонидан пора талаб қилинган ҳолатлар, уларга пора берилганлиги ёки рад этилганлиги, пора миқдори шунингдек, ҳалол давлат хизматчилари тўғрисида аҳолининг хабарларини онлайн платформада умумлаштиришни назарда тутади. Мазкур платформада қолдирилган хабарларни исботлаш имкони бўлмасада, уларни

умумлаштириш ёрдамида мамлакатда коррупция хавфини баҳолаш ва уларни бартараф қилиш юзасидан чоратадбирларни олиб боришда қўл келади. Бугунги кунда мазкур платформа дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатларида қўлланилади.

Шу ўринда, бир тарафдан шаффоғлик принципи фуқароларни фаоллигини ошириш ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш билан бир қаторда мансабдор шахсларнинг ҳам масъулиятини оширишга хизмат қиласди. Қабул қилинаётган қарорлар, амалга ошираётган ишлар натижалари ҳамда бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харидлар очик эълон қилиниб борилган жойда ҳар бир мансабдор шахс ва хизматчи ҳуқуқбузарликларга йўл қўймасликка ҳаракат қиласди.

Буни қўйидаги мисол билан кўриб чиқайлик:

Ўтган асрнинг 80-90 йилларида Нью-Йорк шаҳри полицияси томонидан юқори даражадаги жиноятчилик қайд этилган ҳудудлар таҳлил қилинганда, ушбу ҳудудлар кам ёритилиши ва "граффити"ларга бойлиги аниқланган. Жиноятчиликни камайтириш учун, ўша ҳудудлар ёритилган ҳамда "граффити"ларни тозалаш тадбирлари қўлланилган. Ушбу стратегия 10 йил ичida шаҳар бўйлаб жиноятчиликни 56 фоизга камайтиришга хизмат қилган .

Ёруғ ҳудудда фуқаролар жиноят содир этишдан ўзларини тийгани каби, давлат органи мансабдор шахслари ҳам жамоатчилик олдида ҳисобдорлиги бор жойда коррупцияга йўл қўйишдан ўзини тияди.

Юртимизда ҳам сўнгги йилларда



жамоатчилик назорати институти такомиллаштириб борилмоқда. 2014 йилда “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган бўлса, 2018 йилда “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

“Бу иплатга қарши қурашишга барча давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, умуман, ҳар бир фуқаро сафарбар этилиши зарур.”

Шунингдек, коррупциянинг олдини олишда барча давлат органларида қарор қабул қилиш жараёнлари, очиқ ва фақат очиқ бўлишини таъминлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Масалан, фуқароларимиз жорий йилдан бошлаб очиқ эълон қилинаётган давлат хариidlарига оид маълумотлардан фойдаланиб, ўринли масалаларни кўтармоқда.”

– Ш.М.Мирзиёев

Фуқароларнинг коррупция ҳолатлари бўйича тезкор мурожаат қилиш имкониятини берадиган “e-anticor.uz” лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ишга туширилиш арафасида. Ушбу платформа орқали қилинган ҳар бир мурожаат бўйича кўрилаётган чоралар фуқаролар учун очик





тарзда кўриниб туради.

Бундан ташқари мурожаатлар натижасида платформада мамлакатимиз худудлари ва соҳаларининг қай даражада коррупциялашганини барчага акс этиб турадиган инфографикалар мавжуд бўлади. Бунда мамлакатда энг коррупциялашган худуд қайси, энг кўп ушбу жиноятга қўл ураётган тизимлар кўриниб туради.

Шунингдек, ушбу платформада коррупцион жиноятларга қўл уриб, жавобгарликка тортилган шахсларни ҳар бир соҳа кесимида эълон қилиш ҳамда муайян даврий оралиқда бу маълумотлар янгилашиб бориш режалаштирилган.

Юқоридагиларга асосланиб, юртимизда амалга оширилаётган самараали ислоҳотларнинг давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020

йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида қайд этилганидек, вазирлик ва давлат идоралари томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан амалга ошираётган давлат харидлари, давлат улушига эга бўлган ташкилотлар харидлари, давлат субсидия ва грантларига оид маълумотларни ҳам эълон қилиш амалиётини йўлга қўйиш бу борада олиб борилаётган ижобий ислоҳотларга ҳар томонлама ҳамоҳанг бўлади.

Бу билан келгусида юртимизда бюджет шаффоғлигини янада ошириш, шубҳали ҳолатлар юзасидан самараали жамоатчилик назоратини таъминлаш, давлат сиёсатига нисбатан жамоатчиликнинг ишончини янада ошириш ҳамда талон-торожликларни олдини олиш бўйича самараали механизм яратилишига эришишимиз мумкин бўлади.

[I PAID A BRIBE](#) | [I DID NOT PAY A BRIBE](#) | [I MET AN HONEST OFFICER](#) | [BRIBE HOTLINE](#) | [ALL REPORTS](#) | [NEWS](#) | [REPORT A BRIBE](#)

1081
CITIES

198066
REPORTS

35.26B
RUPEES

KARNATAKA

TOTAL REPORTS
24279

TOTAL AMOUNT
5.53B

BRIES PAID
9870

BRIES FIGHTERS
960

HONEST OFFICERS
412

BRIBE HOTLINE
13037

[VIEW BRIBE ANALYTICS](#)

iChangeM

Dr. Malati Das IAS (Retd.)
Former Chief Secretary, Karnataka

Dr. S T Ramesh, IPS (Retd.)
Former DG & IGP, Karnataka

our experts

LATEST REPORTS

[I PAID A BRIBE](#) 2 months ago 389 views
Bribe for Police Verification for Passport issue

[Police](#) | Bangalore | INR 500

My passport had been initiated for Police Verification. I had received call from Jurisdictional Police station, i.e. Ramamurthy Nagar Police... [Read more](#)

[I PAID A BRIBE](#) 2 months ago 368 views
Passport bribe

[I Mumbai](#) | INR 150

I was asked for bribe , the postman which comes to deliver my mail it's very difficult to bring your stuff

"I paid bribe" лойиҳасининг веб-сайти



ЗИЙРАКЛИГИНГИЗНИ ТЕКШИРИБ КҮРИНГ



Шаҳар атрофидаги қишлоқда ўғрилик содир бўлди. Уй эгаси уйига кечқурун келганида ўғрилар барча қимматбаҳо буюмларни ўғрилаб кетганликларидан хабар топди. Ҳодиса жойига етиб келган полиция далилларни синчковлик билан ўрганиб, ўғрилик шу куни тушлик вақтида содир бўлғанлигини аниқлади. Кўшни уйда яшовчи тўртта дўстни гумондор сифатида полиция бўлимига олиб келишди, у ерда уларнинг барчаси биргаликда эрталаб ишга кетганликларини ва қайтайдан олиб келишди. Шундан сўнг полиция уларни ҳар бирини алоқалари йўқлигини таъкидлашди. Шундан соң полиция уларни ҳар бирини алоҳида хонага олиб кириб, бир хил савол берди. Уларнинг жавобини эшитгач уларни ўша захоти қамоқقا олишди.

Савол: Полиция қандай савол берган эди?

В загородном посёлке было совершено ограбление. Хозяин, вернувшись вечером домой обнаружил, что воры похитили все ценные вещи. Полицейские прибывшие на место преступления внимательно изучили улики и выяснили, что ограбление произошло примерно в обеденное время этого же дня. Под подозрение попали четверо друзей которые жили в соседнем доме. Когда их привезли в полицейский участок, там они заявили, что все вместе с утра ездили в город по делам и на обратном пути они прокололи колесо на машине и в итоге смогли вернуться домой только вечером так, что не могли совершить ограбление. Тогда полицейские поместили каждого из друзей в отдельные комнаты для допроса и по очереди задали каждому один и тот же вопрос. Выслушав их ответы, полицейские поняли, что они врут и тут же арестовал их.

Вопрос: Какой же вопрос задал полицейский?



Маша машҳур блогер эди ва у ўзининг ижтимоий тармоқдаги саҳифасига дам олишдаги суратини жойлаб, ота-онаси ва кичкина синглиси билан айни вақтда экзотик оролда эканлигини изоҳа ёзиб қолдирди. Унинг кузатувчилари Машани алдаётганлигини ва у ушбу суратни фотошопда ясаганлигини изоҳлашди.

Савол: нима сабабдан улар бундай деб ўйладилар?

Маша была довольно популярным блогером, однажды она разместила у себя на страничке в социальной сети фото из отпуска и написала, что она прямо сейчас отдыхает с родителями и младшей сестрой на экзотическом острове. В комментариях пару подписчиков Марии написали, что она лжет и что она сделала данную фотографию в фотошопе.

Вопрос: почему они так решили?







ТЕРГОВ БҮЛІНМАЛАРИДА НАМУНАЛИ ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН ХОДИМЛАР



**Шерматов Шерзод
Рустамович**

Тергов департаменти жиноялтарни тергов килиш бошқармаси бошлиғи үрінбосари-терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноялтарни тергов килиш бўлими бошлиғи



**Ғойибқұлов Обиджон
Оролович**

Тергов департаменти, Жиноялтарни тергов килиш бошқармаси, гиёхвандлик ва уюшган жинояччилик билан боғлиқ жиноялтарни тергов килиш бўлими ўта мухим ишлар бўйича терговчиси



**Узакбаев Баҳадыр
Жоллыбаевич**

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ хузуридаги Тергов бошқармаси йўл-транспорт ходисалари билан боғлиқ жиноялтарни теров килиш гурӯхининг катта терговчиси



**Эргашев Алмардон
Омонович**

Қашқадарё вилояти ИИБ хузуридаги Тергов бошқармаси бошлигининг 1-ўринбосари



**Абдурасулова
Назирахон Эргашалиевна**

Фарғона вилояти Қўқон шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси тергов бўлими ахборот-таҳлил гурӯхи катта терговчиси



**Хожиева Марҳабо
Ҳикматиллаевна**

Навоий шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси 4-сон ИИБ тергов гурӯхи катта терговчиси



**Худжамуратов Нуриддин
Алламуратович**

Сурхондарё вилояти ИИБ хузуридаги Тергов бошқармаси тергов фаолиятини ташкиллаштириши бўлими бошлиғи



**Олимов Ғайратбек
Абдурашитович**

Андижон вилояти ИИБ хузуридаги Тергов бошқармаси Кадрлар гурӯхи катта инспектори



**Альбиков Азим
Аминжонович**

Самарқанд вилояти Жомбой тумани ИИБ хузуридаги Тергов бўлими бошлиғи